

جدید

2026-yil 9-yanvar
№ 2 (106)

www.jadid.uz



Tilda, fikrda, ishda birlik!

Jadid

adabiy, ilmiy-ma'rifiy va ijtimoiy haftalik gazeta



@Jadidrasmiy



@Jadidmediauz



@Jadidrasmiy



@Jadid_uz

ЎЗБЕКИСТОН

Бир ўлкаки,
тупроғида олтин гуллайди,
Бир ўлкаки,
қишларида шивурлар баҳор.
Бир ўлкаки,
сал кўрмаса, қуёш соғинар...
Бир ўлкаки,
ғайратидан асаби чақнар.
Бахт тошини чақиб,
бунда қуч гувуллади...
Уқи ва сев!
Бунинг исми ҳур Ўзбекистон!



Ойбек

(7-саҳифада ўқинг).

2026 ЙИЛ – МАҲАЛЛАНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ЖАМИЯТНИ ЮКСАЛТИРИШ ЙИЛИ



ТОМЧИДА ҚУЁШ

“Нуроний” жамғармаси Тошкент шаҳар бўлими раиси Рустам КАЛОНОВ билан суҳбат

“Юрт ободлиги, аввало, маҳалладан бошланади. Айнан маҳалладаги йўл, сув, электр ва транспорт таъминоти, боғча, мактаб ва оилавий поликлиникадаги шарт-шароитларга қараб, одамлар ислохотларимизга баҳо беради. Маҳалла инфратузилмасини тубдан яхшилаш орқали биз мамлакатимизни ҳар томонлама ривожлантириш, унинг қиёфасини янада гўзал ва обод қилиш борасидаги ишларни давом эттирамиз”.

Президент Шавкат МИРЗИЁЕВнинг Олий Мажлиси ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномасидан

– Рустам ака, маҳаллаларимизни нуронийларсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Ёшлар тарбияси, маҳалла ободлиги, жамоатчилик назорати, маънавий муҳитни шакллантиришда

бевосита катта ҳаётий ва касбий тажрибага эга отахону онахонларнинг ўрни бекиёс...

– Тўғри айтасиз, оилада ҳам, юрт тараққиётида ҳам нуроний отахон ва онахонларнинг ўрни алоҳида. Хабарингиз бор, ўтган йилнинг охирида давлатимиз раҳбари Тошкент шаҳри фаоллари билан учрашди. Очиғи, бу учрашув унда қатнашганлар учун жуда катта сабоқ бўлди. Учрашувда ҳар бир масъулга ўз йўналиши бўйича аниқ вазифалар белгилаб берилди. “Ҳар бирингиз билиб қўйинг: Ватан маҳалладан бошланади”, деган аниқ ва лўнда фикр айтилди. Биласиз, шу кунгача ҳам маҳалла ва унинг ободлиги ҳақида тегишли ҳужжатлар белгиланган. Бу бежиз эмас. Чунки маҳалла юртимизнинг қайноқ ўчоғи ҳисобланади.

Юртимизга келаётган чет элликлар билан хизмат юзасидан суҳбатлашимизга тўғри келади. Шунда уларнинг ўзбек маҳаллаларида яшаётганларнинг

турмуш тарзидан, маҳалла тузилмасининг фаолияти ва бунда нуронийларнинг ўрнидан ҳайратга тушганини кўп кўраман. Айниқса, оилаларнинг бошига оғир кунлар тушганда ёки тўй-ҳашамларда маҳалла одамларининг бирлашиши, ҳар қандай ёрдамга тайёр туриши уларнинг ақлига сиғмайди, таажжубланади.

Ақсариёт чет мамлакатларда оилалар, ҳатто бир оиладаги ота-она, болачақаларнинг ўзаро алоқаси йўқлиги, ҳамма ўз бошига ёққан қорни ўзи кураши, яхши-ёмон кунларни ҳам танҳо ўтказишини биламиз. Афсуски, бизда ҳам кўп қаватли уйларда ўз қобилигига ўралиб қолганлар йўқ эмас. Лекин бугун маҳалла фаоллари бу ҳолатга томошабин бўлиб тургани йўқ, барчанинг маҳаллага мослашиши, сингишиб кетишида ёрдамни аямаяпти.

(Давоми 2-саҳифада).

МУНОСАБАТ

УЛУҒБЕК ХАЗИНАСИ ҚАЙТМОҚДА

Янги йил арафасида муҳтарам Президентимиз Шавкат Мирзиёев “Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси фаолиятини такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида”ги қарорни имзолади. Бу мамлакатимизда илм-фан соҳасини ривожлантириш йўлидаги яна бир катта қадам бўлди.



Ахмадали АСҚАРОВ,
академик

Ушбу тарихий ҳужжатда 2030 йилга қадар Фанлар академияси ва унинг тизим ташкилотларида янги илмий ишланмалар сони ва тижоратлаштиришдан олинган маблағлар ҳажми 3 бараварга; илмий ходимлар таркибида ёшлар улуши 60 фоизгача; академиклар ва профессорларнинг таълим жараёнидаги иштироки 5 бараварга; халқаро ҳамкорликда амалга оширилган илмий тадқиқотлар сони 3 бараварга оширилиши белгиланди.

Кувонарлиси, қарорда хорижий мамлакатларда фаолият кўрсатаётган илмий диаспорани Ўзбекистон илм-фанига реинтеграция қилиш, Академия илмий муассасаларини рақобат таомилли асосида молиялаштириш, ёшларнинг академик фанларда иштирокини кучайтириш учун уларни рағбатлантириш каби замон талаб қилиб турган масалалар ечими ақс этган.

Барча замонларда ҳам энг буюк кашфиётлар давлат қўллаб-қувватлови билан юзага чиққан. Бу эса маблағсиз бўлмайди, албатта. Эндилликда илмий тадқиқотларни қўллаб-қувватлаш, ёш олимларни жалб қилиш ва стратегик аҳамиятга эга илмий йўналишларни барқарор молиялаштириш мақсадида Фанлар академияси жамғармаси ташкил этилади ва давлат бюджетидан ҳар йили 80 миллиард сўм миқдорда маблағ ажратилади.

Бу каби қарорлардан катта авлод олимларининг қувончи кўксига сиғмай кетди. Чунки биз Фанлар академиясининг инқироз ёқасига келиб қолган йилларига гувоҳ бўлдик, оғир кунларини бошимиздан ўтказдик. Айтиш жоизки, Шавкат Мирзиёевнинг оқилона сиёсати туфайли миллий академиямиз қайта тирилди, академиклар елкасига шамол тегиб, қалбимизда келажакка ишонч уйғонди.

Президент Шавкат Мирзиёев Олий Мажлиси ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномасида: “Бундан тўққиз йил олдин иқтисодиётимиз ҳажмини 100 миллиард долларга етказиш биз учун

жуда катта марра бўлиб кўринади. Жорий йилда эса тарихимизда биринчи марта ялпи ички маҳсулотимиз 145 миллиард доллардан ошди. Бундай юксак натижалар заминидан илм-фан ютуқларидан баҳраманд бўлган тадбиркорларимиз, ҳазрати инсон омили ётади”, дея таъкидлади. Ушбу ютуқлар давлатимиз раҳбарининг тиним билмас саъй-ҳаракатлари туфайли эканини биз академиклар яхши биламиз.

Бир вақтлар академияга давлатдан бир чимдим эътибор бўлса, деб юқорига кўз тикиб турардик. Ўша пайтда ҳам илм фидойилари соҳани ташлаб кетмади, ўз йўналишида қатор ютуқларга эришди. Мана энди давлат раҳбарининг ўзи Фанлар академиясига эътибор қаратиб, махсус ҳужжатларни имзоламоқда. Бизга қўлаётгани эса, шунга яраша ижод қилиш, инновацион ғояларни тақдим этиш, назария ва амалиётни ривожлантириб, юрт тараққиёти, халқ фаровонлиги йўлида чин дилдан хизмат қилишдир.

Президентимиз Мурожаатномада Мирзо Улуғбек ҳамда унинг илмий ютуқларини бежиз эсламади. Марказий Осиёда Темурийлар даврида илм-фан ва олимларга юксак эътибор бўлган. Бугунги ислохотларни кузатиб айта оламани, ўлкамизга Улуғбек хазинаси қайтмоқда. Бу хазина олтину жавоҳир эмас, албатта, илм ва маърифатдан иборатдир. Ушбу саодатли кунларга гувоҳ бўлаётганимдан шукроналарим бисёр.

Янги йилда янгиланаётган Фанлар академияси янги-янги ютуқларни тақдим этишига тилак-дошмиз ва бу йўлда қўлимиздан келганча ўз ҳиссамизни қўшишга тайёرمىз!

ФАКТ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев “Прокуратура органлари ходимлари куни муносабати билан бир гуруҳ ходимларни мукофотлаш тўғрисида”ги фармонни имзолади ҳамда прокуратура органлари ходимлари ва фахрийларига табрик йўллади.

Халқаро шахмат федерацияси ва “Norway Chess” 2026 йилда бўлиб ўтадиган “Total Chess World Championship Tour”нинг илк турнири “Total Chess 2026 Pilot” баҳсларида иштирок этадиган 16 нафар шахматчи номини эълон қилди. Улар орасида ҳамюртимиз Нодирбек Абдусатторов ҳам бор.

“Заковат”нинг 25 йиллик юбилейи мавсуми финали баҳсида Навоий ҳақидаги саволи билан 17 ёшли Муҳаммаджон Махадалиев йилнинг энг яхши билимдони деб топилди ва электромобиль соҳибига айланди.

2025 йилда электротехника саноатида экспорт ҳажми 1,5 миллиард долларни ташкил этди.

СУРУР

ШАТРАНЖДАН ШАХМАТГАЧА

Сўнгги йилларда Ўзбекистон спорти ҳақида гап кетганда, кўз олдимизда нафақат шиддатли боксчилар ёки матонатли курашчиларимиз, балки вазминлик билан дон суриб, дунёнинг энг кучли гроссмейстерларини шошириб қўётган навқирон шахматчиларимиз ҳам гавдаланади. Бу бежиз эмас. Зеро, шахмат – бу шунчаки ўйсин эмас, бу – миллатнинг интеллектуал қуввати, стратегик фикрлаш қобилияти ва сабр-тоқатининг кўзгусидир.

Ўтмишда шатранж деб аталган бу кўҳна ўйин бизнинг юртимизда азалдан маълум ва машҳур бўлиб, кўплаб тарихий ва бадиий асарларда, хусусан, тарихчи Ибн Арабшоҳ “Ажоиб ул-мақдур фи ахбори Темур” (“Темур ҳақидаги хабарларда тақдир ажойиботлари”) китобида шундай ёзади: “(Амир Темур) ўз фикрини пешлаш мақсадида муттасил шатранж ўйнардди. Унинг ҳиммати кичик шатранж (ўйнаш)дан олий бўлиб, катта шатранж ўйнардди. Бу шатранж тахтасининг эни ўн бир, бўйи ўн (хона)дан иборат эди...”

Бугунги кунда шахмат соҳасидаги ютуқларимиз мамлакатимизнинг халқаро обрўсини янги босқичга олиб чиқ-




моқда. Ўзбекистонлик шахматчилар дунё саҳнасида порлаётгани, жамоавий мусобақалар, хусусан, Олимпиада ва Осиё чемпионатларида юқори ўринларни эгаллаётгани юртимизда шахматни ривожлантиришга қаратилган давлат дастурларининг ижобий самарасидир.

Ўзбекистон Республикаси Президен-

тининг 2022 йил 14 январдаги “Шахматни янада ривожлантириш ва оммавийлаштириш ҳамда шахматчиларни тайёрлаш тизимини такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида”ги қарори юртимизда шахмат ривожини янги босқичга олиб чиқишда муҳим роль ўйнади.

(Давоми 3-саҳифада).



МАТЕМАТИКА – УВАФФАҚИЯТ АНБАИ

(3-саҳифада ўқинг).



ТОМЧИДА ҚУЁШ

“Нуроний” жамғармасы Тошкент шаҳар бўлими раиси Рустам КАЛОНОВ билан суҳбат



Бошланиши 1-саҳифада.

Бугун маҳаллада ҳеч ким ўз муаммоси билан ёлғиз қолишига йўл қўймаймиз.

“Тарих давомида қандай оғир синовларга дуч келмайлик, биз аввало бирдамликдан куч олдик. Машаққатли кунларда одамларимиз, маҳалла аҳли елкадош бўлиб қийинчиликларни енгган. Оила – оилага, қўшни – қўшнига кўмак бериб яшаган. Биз мана шундай ўта ноёб қадриятимизга доимо содиқ қолишимиз, ёш авлодимизни айтиш шу руҳда тарбиялашимиз керак”.

Мурожаатномадан

Илгари кекса одам бирор ноҳўя иш қилаётган болани кўрса, “Кимнинг боласинан? Нима қилаясан?” деб савол берарди. “Бир болага етти маҳалла ота-она” мақолининг ҳақиқий амалий кўриниши эди бу. Очиги, бу анъанадан йироқлашиб борапмиз. “Бировнинг боласи билан нима ишим бор”, деган кайфиятга ўтиш жуда хавфли. Чунки замон шиддатли ва умумий, бугун бир болада иллат пайдо бўлса, эртага бошқа оилага ҳам кириб бормайди, деб ҳеч ким кафолат бера олмайди. “Суюнчи” фильмида: “Ким бегона экан буvingга бу маҳаллада? Кўрсат, ўша бегоналарни”, деб айтилади-ку.

Яна бир гап. Айрим ёшлардан “Маҳаллангнинг номи нима?” ёки “Нега бундай аталлишни биласанми?” деб сўрасангиз, аксарияти “билмайман” деб жавоб беради. Илгари бува-буви-ларимиз танчанинг атрофида гардиш патнисга туршак-майизни ташлаб қўйиб, невараларига авлод-аждодлари ҳақида гапириб беришарди. Кексаларимиз кўча-кўйда юрганида, атрофда юз бераётган воқеаларга бефарқ эмасди. Яхши ишларга ҳам, ёмонликка ҳам муносабатлари бор эди.

Эсимда бор, онам пенсияга чиққанларидан кейин кечки салқин пайтлари эшигимиз олдида курсичага ўтириб, ўтган-кетган билан суҳбатлашарди. Бегона одам кўринса, албатта, кимлигини суриштирарди. Ҳар бир маҳаллада қосиблик, заргарлик, мисгарлик дегандек, бирор касб-хунар билан шуғулланувчи гуруҳлар бўларди. Албатта, бугун давр ўзгарди, одамлар ўзгарди, касб-хунарлар ҳам ўзига хос ривожланипти. Назаримда, бугун маҳалла раҳбарларининг ҳам иш тутуми, одамлар билан муносабати даврга ҳамоҳанг бўлиши керак.

Ҳозир кўпқаватли уйларда яшовчи аҳоли билан ишлашда муаммолар учраб турибди. Очиги, бу уйларда ўзаро бефарқлик, бир-бирини камситиш каби иллатлар борлигидан кўз юмиб бўлмайди. Бундай ҳолатлар бизнинг жамиятга ярашмайди. Бу борада Сергелида қуриб фойдаланишга топширилаётган маҳаллаларни ибрат қилиб кўрсатса арзийди. Уларда нуронийлар, маҳалла фаоллари бош бўлиб, аҳолини ўзаро бирлаштирадиган ибратли тадбирлар ўтказиляпти.

2025 йилги маълумотларга кўра, аҳоли, ёшлар ўртасида жиноятчилик, товланмачилик, фарибгарлик, ажралиш каби иллатлар анча камайган. Бунда, шубҳасиз, маҳаллада обрў ва нуфузга эга бўлган нуронийлар, доно бувижонларнинг жонқуярлиги муҳим роль ўйнапти.

Шаҳримиздаги 585 та маҳалланинг

ҳар бир нуронийсига 10 та оиланинг ахлоқи бузилган, ёмон йўлга кириб кетган фарзандлари бириктирилган. Албатта, бу нуронийлар бир ўзи эмас, ёнида бир-икки фаол шахслар билан уларнинг муаммоларини ҳал қилишда ёрдам беришяпти.

– Шубҳасиз, нуронийлар, маҳалла етакчиларининг фаолликлари бугунги кунда ўз натижаларини бераётгани ҳаммамизни қувонтиради. Пойтахтда турли миллат ва этникотод вакиллари жамланган маҳаллалар ҳам талайгина. Улар билан ишлаш тарзи қандай?

– Маҳалла ўн йил ё юз йиллик тузилма эмас. Ўлкамизда бу бирлик тарихи минг йилликларга бориб тақалади. Буюк Ипак йўлининг муҳим бўғинида жойлашган, азалдан бағрикенг ва тинчликпарвар бўлган халқимиз маҳаллаларга бирлашар экан, азалдан у ерда тиллар, динлар, қарашлар хилма-хиллиги бўлган. Маҳаллада ҳар ким аввало инсонийлиги учун ҳурмат қилинади. Муқаддас динимиз ва миллий қадриятларимиз ҳам дўстлик ва уюшқоқликни тарғиб қилади.

Ўзбекистон – кўпмиллатли мамлакат. Фақат янги қўчиб келганлар ва ёшларда маҳаллада яшашнинг ўзига хос томонларини тушунишда бироз қийинчилик туғилиши мумкин. Илгарида яшаб келаётганлар аллақачон урф-одатларимиз, қадриятларимизни яхши билиб олган. Ҳозир кўплари тилимизни сув қилиб ичиб юборган. Очиги, ҳашар, ўзаро ёрдам тадбирларида биринчилардан бўлиб қўл чўзадиганлар ҳам айнан дўст ва қардош миллат вакиллари. Одамгарчиликнинг миллатга алоқаси йўқ. Бу оилага, ундаги таълим-тарбияга боғлиқ.

“Бугунги кунда жамиятимизда турли хил фикр ва қарашлар бўлиши табиий. Бу – демократиянинг бирламчи талаби. Аммо, миллати, тили ва динидан қатъи назар, бутун эл-юртимизни бирлаштирадиган улуғ бир ғоя бор. У ҳам бўлса, Ватан манфаати, халқимиз манфаатидир. Мана шундай буюк мақсадга эришишда маҳалла тизимининг ўрни ва таъсири беқийс. Чунки, маҳалла тинч ва аҳил бўлса, жамиятимиз тинч ва ҳамжиҳат бўлади. Маҳалла ривожланса, бутун мамлакатимиз юксалади”.

Мурожаатномадан

– Тўққиз мингдан зиёд маҳаллада, аввало, меҳр-оқибат, ҳамжиҳатлик, адолат ва тарбия муҳитини шакллантириш каби долзарб масалалар катта ҳаётий тажрибага эга маҳалла раислари ва фаоллари, нуронийлар, хотин-қизлар, ёшлар, зиёиллар, тадбиркорлар, Ватан посбонлари – бутун халқимиз зиммасига юкланди. Ана шу жабҳада, назаримда, нуронийлар олдинги сафда қайд этилгани бежиз эмас.

– Ҳа. Янги йил, шубҳасиз, янги режалар, янги вазифалар билан кириб келади. “Маҳаллани ривожлантириш ва жамиятни юксалтириш йили” халқимиз руҳини кўтариш билан бирга, республикамиз маҳаллаларида фаолият юритаётган нуронийларимиз, маҳалла фаоллари олдига катта вазифаларни ҳам қўйди.

Халқимизда “Ўтиб еганга тоғ ҳам чидамайди” деган мақол борлигини эслатиб қўймоқчиман. Ўйини ҳаммамизнинг олдимизда юртимиз иқтисо-

дини янада кўтаришга, халқимиз турмуш фаровонлигини оширишга ҳисса қўшиш вазифаси турибди. Бу йўлда нуронийларимиз, оқсоқолларимиз, ёш фаолларимиз – ҳамма бирлашиб ҳаракат қилиши керак.

Бугун нуронийларимиз, фаолларимиз одамларнинг нима дарди бор, уларни қийнаётган нарса нима, ёшларга, ёш оилаларга қандай ёрдам керак, деган саволлар устида ўйла-ниб, уларга жавоб топиш йўлларини излашлари, жиллақурса, маслаҳатлари билан ёрдам беришлари лозим. Чунки маҳаллабоши нуронийлар ҳисобланади.

Эсласангиз, биз ёши улуглар кўча бошида кўринса, ўйину юмушимиздан тўхтаб, йўл четига чиқиб, солим турардик. Оиланинг катталари – ота-хонлар, оналар дастурхон атрофида келиб ўтирмагунча, қозон очилмасди. Барча тадбирларда маҳалладаги обрў-этиборли отахон дуои фотиҳа қиларди. Менимча, ҳозир ҳам кўп жойларда шундай ва шундай бўлиб қолиши керак. Бу каби удумларимиз асрлар давомида ўзини оқлаб келган. Бизнинг вазифамиз мавжуд анъаналаримизни давом эттиришга бошқоқ бўлишдан иборат.

Анъаналаримизни давом эттириш мақсадида мунтазам равишда уч авлод учрашувларини ўтказиб туриамиз. Учрашувларга кўпроқ ёшларни жалб этамиз. Шу билан бирга, маҳаллада олиб борилаётган ишларни мунтазам кузатиб бораемиз. Деярли барча тадбирда нуронийларимиз, маҳалла оқсоқоллари бош-қош. Ишонасими, тадбирга келаётган кексаларни кўриб, ёшлар ҳам қатнашишни хоҳлаб қолади. Бекорга нуроний дейишмайди, ахир, юз-кўзларида нур бор уларнинг.

– Боя хорижликларнинг маҳалла институтимизга қизиқишини таъкидладингиз. Шу ҳақда батафсилроқ гаплашсак. Зеро, олдиндан оққан сувнинг қадри йўқ, дейишадик-ку.

– Биринчи навбатда этнографлар, ижтимоий масалалар билан шуғулланадиган мутахассислар маҳаллаларга олиб боришни сўрашади. Одати-миз бўйича бир пиёла чой, дастурхон устида суҳбатлашамиз, кўча-кўйларни айлантиришимиз, одамлар билан кўришади. Фуқаролар билан мулоқотлардан, маҳалла айланиб қўрганларидан сўнг амалга оширилаётган ишларнинг натижасига иқдор бўлади. Қандай делегация келишидан қатъи назар, саёҳатининг бир кунли, албатта, маҳаллаларда ўтади. Айниқса, японлар жиддий қизиқади. Франция, Германия, Болтиқбўйи мамлакатларидан келганлар ҳам маҳаллаларда бўлишни истайдилар.

Энг муҳими, улар кўрган-билганлари асосида давлатнинг фуқаролар учун қилаётган саъй-ҳаракатлари, амаллари тўғриси эканига амин бўлади. Томчида қуёш акс этади, дейдилар-ку. Ана шу томчилар дарёлар, денгизлар, уммонларни ташкил қилади.

Муҳтарам Президентимиз ўтган йилни “Атроф-муҳитни асраш ва “яшил иқтисодиёт” йили” деб атаб, “Яшил макон” умуммиллий ҳаракатига янгича руҳ ва маъно берди. Биз, маҳалла аҳли учун бу иқтисодий сиёсат айтиш мумкин. Чунки маҳалла деган сўзнинг ўзагида боғу бўстон, фаровонлик ва ободлик деган тушунча ётибди. Биз бу борада ҳам белни боғлаб, Ватанимизни гуллаштига

доимий ҳиссамизни қаррасига кўпайтиришга киришганмиз.

“Депутатларга ўз округидаги муаммоларни ҳал этиш учун 500 миллион сўм, ҳар бир депутатга 3,3 миллион сўмдан бера-миз. Бу борада “яшил ҳудуд”, “яшил боғ” яратиш бўйича ҳар бир депутатнинг ташаббусига қўшимча 330 миллион сўмдан йўналтира-миз. Бундай ёндашув орқали 2030 йилгача барча туманлардаги маҳаллаларга Янги Ўзбекистон қиёфасини олиб кира-миз”.

Мурожаатномадан

– Маҳалла ҳақида гап кетганда, албатта, маросимларни четлаб ўта олмаймиз. Тўй-ҳашам деган икки сўз ва унинг ортидаги икки мингта машамаша ҳамда уларни тартибга солиш бўйича тажрибангиздан келиб чиқиб фикр билдирсангиз.

– Тўйларни ихчамлаштириш, маърака ва бошқа оилавий тадбирларни тартибга солиш ҳам бевосита маҳаллага тегишли масала. Мухими, одамларимиз дунёқарашда ижобий ўзгариш бор. Айниқса, ёшлар билим доираси кенгайиб бораётгани ҳамда кенг кўламли тарғиботлар натижаси ўлароқ исроф ва мантиқсиз ишлардан ўзини олиб қочапти. Энди улар ҳеч кимга наф бермайдиган харажатлардан кўра, пулни жамғариб ота-онасини сийҳаттоҳларга, зиёратларга юбормоқда. Келин-куёв тўйдан тежалган пулни таълимга, саёҳатга ва келажакка йўналтирмоқда.

Катталар ҳам ёшлардаги бу ўзгаришларни қўллаб-қувватлайди. Ўтган йилнинг октябрь ойида Юнусободнинг маҳаллаларидан бирида онахон бош бўлиб, неварасига 50 одам билан тўй қилди. Очиги, ҳамма хайрон қолди. Ҳамма ёқ озода, тартибли, чироили бир тарзда ўтди тўй. Мана бу ибрат, мана бу шахсий намуна дейилади!

Агар мол-давлати ошиб-тошиб кетаётган бўлса, шуни кераксиз томошаларга эмас, ёрдамга муҳтож оилаларга, беморларга, талабаларга берайлик, деб йўналтиряпмиз. Бу жихатдан маҳалланинг, нуронийларнинг роли муҳим. Чунки бирор раҳбар гапирса, “конъюктура” дарди қўзиб, “Пулмига ҳўжайинмисан? Бир-икки сўм чўнтагимга солиб қўйганмидинг?” дейишлари мумкин. Лекин кексаларнинг гапини тўғри қабул қилади.

– Демак, гапларингиздан келиб чиқадиган бўлса, бугун маҳаллалар фильтр вазифасини ҳам бажаряпти.

– Шундай. “Ўтмиш бисотимиз шаксиз буюк, аммо орасида бу кунги турмушга ярайдиганлари ҳам, оёғимизга кишан бўлиб, бизни чоғга судрайди-ганлари ҳам бор”, деган гапни ўқидим яқинда. Ана шу бисотнинг сарагини саракка, пучагини пучакка ажратиш – маҳалланинг иши. Қолаверса, юртимизда кечаётган сиёсий жараёнлар, ислохотлар моҳиятини одамларга етказиш ҳам бизнинг бурчимиз.

Мана, бу йил маҳаллага боғлиқ ишлар билан кенг қамровда шуғулланиш имкони яратилди. Ватан хизматига доим шаймиз.

– Мазмунли суҳбатингиз учун ташаккур!

Гулчехра УМАРОВА
суҳбатлашди.

14 ЯНВАРЬ – ВАТАН ҲИМОЯЧИЛАРИ КУНИ



АСКАР БОБОСИ

Тарихга назар ташласак, миллатимизнинг салкам бир ярим асрлик истибдод домига тушишига Туркистон заминидagi икки хонлик ва бир амирлик бошида ўтирган ҳукмдорларнинг ҳарбий салоҳият масаласига эътиборсизлик билан қарагани, ташқарида ёв фурсат пойлаб турган кезларда ҳам арзимаган баҳоналар билан бир-бирининг устига қўшин тортиб, юртда – миллат орасида парокандаликни юзага келтиргани, қўшин тузиш, уни сақлаш, жангларга ҳозирлаш борасида неча минг йиллик анъана ва тажрибалар унутилгани сабаб бўлгани айтиш тарихий ҳақиқатдир.

Юртимиз мустақилликка эришгач, миллий қўшинни шакллантириш масаласи бирламчи вазифага айланди. Бунда аввало офицерлар таркибини тўла шакллантиришга алоҳида эътибор берилди, шу мақсадда ҳарбий соҳанинг барча турлари бўйича командирлар тайёрловчи олий ўқув юр-тлари очилди, ҳарбий ўқув юр-тларининг моддий-техник базаси мустаҳкамланди. Бундан ташқари, бир қатор вилоятларда сержантлар мактаби очилиб, ҳарбий соҳага иқтисоди бора ёшлар ўқитилиб, улар ҳарбий қисмларда энг асосий бўғин – ҳарбий хизматга қақрилган ёшларни ҳар томонлама пухта тайёрлаш, замонавий ҳарбий амалиётларда тоблаш жараёнига бош бўлди. Фақат бугина эмас. Бугун Янги Ўзбекистонда фаолият юритаётган “Темурбеклар мактаби”, “Жалопиддин мактаби”га қаттиқ синов остида қабул қилинаётган ҳар бир ўсмир келгусида Ватанимиз Қуролли Кучларининг офицерлар қатлами мунтазам тўлдириб боришда катта аҳамият касб этади.

Қуролли Кучларимиз энг замонавий қуроллар билан тўла таъминлангани алоҳида мавзу. Соҳада олиб борилаётган ислохотлар самарасини миллий армиямиз халқаро миқёсда ўтказилаётган ҳарбий мусобақаларда ҳамisha энг олдинги ўринларни эгаллаб келаётганида яққол кўра-миз.

Жиянимнинг ўғли водийдаги нуфузли ҳарбий қисмда хизматни ўтаб қайтди. Кунли кеча мактабни тамомлаган ўсмир бир йилда ҳақиқий аскарга айланибди. Унинг ҳар ойда ҳаводан десант тушириш амалиётларида қатнашгани, парашютда сакраганини эшитиб, ҳайратландик. Негаки, ўтган асрнинг етмишинчи йиллари адоғида собиқ иттифокнинг чекка бир ҳудудидаги қурилиш қисмида ҳарбий хизматни ўтаганимизда, ҳатто бирор марта кўлимизга милтиқ ушлаб кўрмаганимиз – икки йиллик армия қурилиш майдонларида гишт ташшиш, бетон қўйиш билан ўтиб кетган.

Ўтган йили 18 апрелда пойтахтга отландим. Ҳазорасп поезд бекатида 88 ёшли амаким билан учрашиб қолдим. У синглиси, келини билан Фарғонага хизматга юборилган неварасининг ҳарбий қасамёдида қатнашгани учун кетаётган экан. Шу кунли “Хива – Тошкент” йўловчи поездига чиққанларнинг аксари айнан фарзандлари ҳарбий қасамёд қабул қилиши муносабати билан қақрилган ота-оналар эди.

Неварасининг ҳарбий қасамёдида қатнашиб қайтган амаким турли давраларда аскарларга яратилган шароитлар ҳақида узоқ вақт гапириб юрди.

“Замон жуда илгарилаб кетган экан, – дер эди амаким. – Бизлар хизмат қилган давр билан ҳозирги даврни таққосласанг, ер билан осмонча фарқи бор. Ҳарбий қасамёд қабул қилинганда сўнг неварам билан аскарлар ошхонасида бирга овқатландик. Ошхонаси эски замонларнинг ресторани-ридан ҳам зўр экан! Биринчи, иккинчи таомлар, чой, нон ва турли салатларни аскарлар ўзлари танлаб олар экан. Овқатларнинг мазаси, тўйимчилигини айтинг! Яшайдиган биноларидagi шарт-шароитларни кўриб оғзим очилиб қолди. Барча шароит бор. Армия эмас, кулорт дейсиз!”

Ўтган асрнинг эллагинчи йилларида ҳарбий хизматни ўтаган амакимнинг ҳайратларини тушуниш мумкин.

Бир пайтлар армияга бормаслик учун таниш-билишларни ишга солиш кузатишдан бўлса, бугун, аксинча, ҳарбий хизматга бориш учун таниш-билиш топишга интиладиганлар бор. Сабаби, бугун ҳарбий хизмат шарафли вазифага, мард ўғлонларнинг синов майдонида айлган. Ҳарбий хизматни аъло даражада ўтаган йигитлар олийгоҳларга имтиёз асосида қабул қилиниши мамлакатимизда ҳарбий соҳага, шу соҳага дахлдор фуқароларга кўрсатилаётган ғамхўрликнинг яна бир юксак кўринишидир.

Мустақил давлатимиз қисқа фурсатда ўзининг қудратли армиясига эга бўлди. Бугун Қуролли Кучларимиз мамлакат чегараларини мустаҳкам қўриқлаб турибди – бир вақтлар жадид боболаримиз орзу қилган ҳарбий салоҳиятга эга бўлганимиз билан фахрланасак арзийди.

Рўзимбой ҲАСАН





МАТЕМАТИКА – МУВАФФАҚИЯТ МАНБАИ

Суҳбатдошимиз Ўзбекистон Фанлар академияси ва Бутунжаҳон Фанлар академияси академиги, Давлат мукофоти лауреати Ўткир Розиков айни пайтда ЎзФА В.И.Романовский номидаги Математика институти директори ўринбосари сифатида фаолият олиб бормоқда. У қарийб қирқ йиллик фаолияти давомида математик анализ, алгебра ва эҳтимоллар назариясининг замонавий усуллари билан физик ва биологик система-ларнинг термодинамикаси ва динамикаси назарияларини яратиб, уларни табиий фанларга қўллашда муҳим натижаларга эришган. Шу боис, бир қатор халқаро мукофотларни ҳам қўлга киритган. 300 дан зиёд илмий ишлари хориж ҳамда республикадаги нуфузли журналларда чоп этилган. Унинг раҳбарлигида 19 нафар фан номзодаи ва 5 нафар фан доктори илмий иш ёқлаган.

– Буюк аждодимиз Мирзо Улуғбек фикрича, “Математика (рив-зиёт) гоат юксак бир фанки, унда бир олам мўъжиза ётади”. “Математика – фанларнинг энг биринчиси ҳамда барча фанлар учун фойдали ва зарурдир”, деб ёзди инглиз файласуфи Бэкон. Шу маънода математика бошқа фанлар ва жамият тараққиётида қандай роль ўйнайди?

– Математика барча табиий фанларнинг фундаменталь асоси ва умумий тили ҳисобланади. Физика, кимё, биология, тиббиёт, иқтисодиёт, ҳатто ижтимоий фанларда юз бераётган жараёнлар математик моделлар орқали ифодаланган ва чуқур таҳлил қилинади. Масалан, замонавий биологияда генетик тармоқлар, популяция динамикаси, эпидемиологик жараёнларни математик тенгламалар ва эҳтимоллик моделларисиз тасаввур этиб бўлмайди. Тиббиётда эса диагностика, тиббий тасвирларни қайта ишлаш, касалликларнинг тарқалишини башорат қилиш бевосита математик алгоритмларга таянган. Мана шуларнинг барчаси замирида математик назариялар мавжуд.

Бугун кўп гапирилаётган сунъий индрок (СИ)ни олайлик. Гўёки математика чегга сурилиб, СИ алоҳида фан бўлиб кетгандек. Аслида, унинг пойдеворида ҳам математика турибди. Ҳаммаси математик ёндашув орқали амалга ошади. “Google” дунёдаги энг ривожланган қидирув тизимларидан бири. Уни яратганлар – математиклар. Уларнинг алгоритм-

лари эҳтимоллар назариясидаги Марков занжирлари деган назарияга асосланган. Мен айтаётган маълумот беш йил олдингиси, балки ҳозир ундан ҳам кўпроқдир, лекин ўша пайтнинг ўзида бу тизим бир дақиқада 37 минг доллар фойда келтирган. Бу математиканинг кучи қанчалик катта эканлигига бир мисолдир.

Бугунги кунда давлат томонидан таълимга, илм-фанга катта эътибор қаратилаётгани бежиз эмас. Чунки ривожланишни тезлаштириш, иқтисодий даромадларни ошириш учун фан ривожланиши керак. Бу ривожланишнинг асоси – математика. Шунинг учун ҳам, Президентимизнинг дастлабки қарорларидан бири математика фанига, Математика институти фаолиятини такомиллаштиришга қаратилган эди. 2019 йилда биринчи бўлиб математика алоҳида эътибор марказига қўйилди. Натижасини йилдан-йилга ўсиб бораётган иқтисодий кўрсаткичлар, олимларнинг илмий-амалий ютуқлари, ёшларнинг халқаро олимпиадалардаги галабасида кўриб турибмиз.

– Кўпчилик математикани мураккаб фан деб ҳисоблайди ва рақамлар билан келиша олмаслигини айтади. Яна бошқалар эса “математикани билмасдан ҳам яшаса бўлади”, “математика керак эмас”, деган фикрларни айтади.

– Математикага нисбатан “мураккаб фан” деган қараш асосан нотўғри таълимий тажриба ва психологик тўсиқлар натижасидир. Агар бола мактаб даврида математикани тушунамдан ёдлашга мажбур бўлса, унда бу фан кўркув ва ишончсизлик манбаига айланади. Натижада “мен рақамлар билан келиша олмайман”, деган нотўғри тасаввур шаклланади.

Масалан, бошланғич синф математикасида ўқувчининг тушуниши ва бажариши қийин бўлган амал – бўлиш амалидир. Бу амални ўқувчи ўрганади, лекин етмаса, ноль бериш, ноль бериб вергул ажратиш деган жойларини ҳаёт билан боғлаш ҳақида на ўқитувчи, на ўқувчи қайғуради. Бўлиш мавзусидан бошлаб синфдаги кўпчилик ўқувчиларда математикага қизиқиш сўна бошлайди. Чунки бу амалда ишлатиладиган усул ҳаётимизга алоқаси йўқдек.

Аслида, математика мантиқий фикрлашни ўргатувчи, инсон тафаккурини тартибга солувчи фан. У истеъдодлилар учунгина эмас, балки меҳнат қилишга ва ўйлашга тайёр бўлган ҳар бир инсон учун очик. Математикани ҳаётий мисоллар, мантикий ўйинлар, реал муаммолар орқали ўргатиш бу муносабатни тубдан ўзгартириши мумкин.

Кундалик турмушда математика инсонни тежамкорликка, масъулиятга ва келажақни олдиндан кўра би-лишга ўргатади. Оила барқарорлиги



кўп жиҳатдан ана шу ҳисоб-китобли ва оқилона ёндашувга боғлиқ. Этиқдўз бўлиши мумкин, дурадгор бўлиши мумкин, ҳайдовчи бўлиши мумкин – қандай касб бўлишидан қатъи назар, агар унда математик фикрлаш бўлмаса, у ўз касбиди мукамал бўла олмайди. Математик мантиққа таянган одам эса, албатта, ўз соҳасида яхши мутахассис бўлади. Чунки математик фикрлашга эга инсон ҳар қандай соҳада ўзини кўрсата олади.

Ҳозир нафақат мактабда, олий таълимда ҳам бу масала долзарб. Президент қарори билан институтизмда математика таълимини ривожлантириш ва мувофиқлаштириш бўйича лаборатория ташкил қилинган. Республикадаги барча математика дарсликлари ва адабиётлари бизнинг институтизмда экспертизадан ўтказилади. Мен китоб ёзаётган ус-тозларга доим айтаман: масалан, чиқиқли алгебра бўйича китоб ёзсангиз, ҳар бир мавзунинг тағига камида битта амалий татбиқини ҳам ёзинг. Топологик фазо, чиқиқли фазо каби тушунчалар жуда абстракт. Агар талаба улар қаерда ва қандай масала-ларда қўлланишини билмаса, фан унга бегона бўлиб қолади.

– Математика институти жойлашган бино бетакрор меъморий ечим асосида бунёд этилган. Бу жиҳатдан унча-мунча халқаро илм даргоҳлари ҳам ҳавас қилса арзийди. Ана шу муҳташам даргоҳда ички мазмун қандай, бугунги кунда қандай ишлар амалга оширилмоқда?

– Институтизмнинг фахрланадиган жиҳатларидан бири: бизда дунё миқёсида тан олинган илмий мактаблар мавжуд. Эҳтимоллар назарияси, математик анализ, дифференциал тенгламалар, алгебра, математик физика йўналишларида халқаро миқёсда та-

нилан илмий мактабларимиз бор.

Бугунги кунда Математика институтининг моддий-техник базаси мустаҳкамланди, янги бинолар барпо этилди, олимларнинг ойлик маошлари бир неча бор оширилди. Ана шу қўллаб-қувватлашлар натижасида ҳозирда институтизмиз халқаро миқёсда танилган илмий марказга айланди. Масалан, институт олимлари ҳар йили камида 200 та илмий маколани нуфузли халқаро манбаларда чоп этади. Бундан ташқари, монографияларимиз хорижда, энг машҳур нашриётларда чоп этилмоқда. Институтизмизнинг уч нафар профессори Бутунжаҳон фанлар академиясининг академиги этиб сайланди.

Шунингдек, бизда кўплаб халқаро конференциялар ўтказилади. Хитой, АҚШ, Европа давлатлари билан илмий алоқаларимиз мустаҳкамланди. Ҳар йили институтизмиздан камида 10-15 нафар олим хорижга бориб, илмий ҳамкорликларда иштирок этади. Институтизмиз математикани халқаро стандартлар асосида ривожлантиришни ўз олдига мақсад қилиб қўйган. Бу ёндашув натижасида ютуқларимиз ҳам шунга яраша бўляпти.

Бизнинг вазифамиз фақат янги теорема ишловлаш ёки янги натижа чиқариш билангина чекланмайди. Агар дунёнинг бирор илмий марказида математиканинг маълум бир йўналишида янги теорема ишловлашган бўлса, уни ўрганиш ва ўргатиш ҳам бизнинг вазифамизга кириди. Чунки замонавий математика билан шуғулланиш учун ўзимиз янгилик қилишимиз, бошқаларнинг ютуқларини ҳам чуқур англашимиз керак. Дунё фанининг талабларини билиш ва уларга мос ишлаш зарур.

Албатта, бу ютуқларнинг барчаси давлатимиз томонидан яратилган шароитлар, илм-фанга бўлган эътибор натижасидир. Биз эса ана

шу ишончни оқлаш, илмий натижалар билан жавоб беришга ҳаракат қилиб келялмиз.

– Маълумотларга қараганда, сиз ёзган китоблар дунёнинг 200 дан ортиқ университетда илмий фаолият учун қўлланар экан, асарларингиздан 4 мингга яқин иқтибос олинган – бу катта ютуқ. Шундай катта натижалардан ўзингизнинг кўнглингиз тўладими?

– Мен ҳеч қачон муваффақиятларни охириг нукта, “мана энди бўлди”, деб қабул қилмайман. Аксинча, уларнинг барчасини кейинги ютуқлар учун навбатдаги пиллапоё, янги босқич, янги масъулият деб биламан. Ютуқ инсонни тўхтатиши эмас, янада олдинга ундаши керак, деб ўйлайман.

Китобларимнинг хорижда ўқилишига келсак, бунинг биринчи сабаби – уларнинг инглиз тилида ёзилганидир. Бугунги кунда математика бутун дунёда асосан инглиз тилида ўқилади. Ҳатто рус тили ҳам бу даражада глобал аҳамиятга эга эмас. Инглиз тили эса универсал илмий тилга айланган.

Иккинчи муҳим сабаб – китобларимнинг нуфузли халқаро нашриётларда чоп этилганидир. Масалан, Сингапурдаги “World Scientific Publishing” нашриёти билан ҳамкорликда чоп этилган китобларимиз бор. 2025 йилда чиққан китобимиз “Gibbs measures in machine learning”, яъни сунъий интеллектнинг энг замонавий йўналишларидан бири бўлган “machine learning” бўлимига бағишланган. Бу нашриёт чоп этган китобларни дунёнинг етакчи илмий марказлари сотиб олади ва фаол фойдаланади.

Масалан, Францияда математика бўйича дунёдаги энг нуфузли илмий марказлардан бири жойлашган – “Institute of Advanced Scientific Studies”. Бу институтизм доимий иш-

лайдиган профессорлар сони 20 нафар бўлса-да, ҳар йили дунёнинг энг кучли математикларини ҳамкорликка таклиф қилади. Менинг баҳтим шуки, бу институтизмда тўрт марта бўлганман ва ҳар сафар тўрт ойдан ишлаб, етакчи олимлар билан бирга илмий фаолият олиб борганман.

Бир томондан, бу жуда катта завқ бағишлайди, иккинчи томондан эса янада масъулият юклайди, руҳлантиради. Бу ютуқларнинг яна бир муҳим томони бор. Масалан, 2013 йилда чиққан китобимни очсангиз, муаллиф номи остида “Institute of Mathematics, Uzbekistan” деб ёзилганини кўрасиз. Ана шу жиҳати мен учун жуда муҳим. Бу сўзлар замонавий математика соҳасида ўзбек олимлари ҳам фаол иштирок этаётгани, жаҳон фанига ўз ҳиссасини қўшаётганининг далилидир. Китоб соф математика ҳақида бўлса ҳам, уни қўлга олган ҳар бир ўқувчи ёки тадқиқотчи “Ўзбекистон” деган сўзни кўради. Менимча, бу нафақат институтизмиз, умуман, Ўзбекистон фанини дунёга танитишда жуда катта аҳамиятга эга. Инсон ўз меҳнатининг натижалари эътироф этилганидан мамнун бўлади.

– Илмий фаолиятингизда бурилиш ясаган энг муҳим давр ёки воқеа қайси эди?

– Аввало, 2002 йил бошида халқаро илмий марказларда олиб борган тадқиқотларим илмий дунёқарашимни тубдан ўзгартирди. Етакчи хорижий олимлар билан яқин ҳамкорлик, замонавий илмий ёндашувлар билан танишиш, мустақил илмий фикрлаш ва янги йўналишларни шакллантириш айнан шу даврга тўғри келади. Бу тажриба менинг кейинги илмий фаолиятим учун мустаҳкам ва барқарор асос бўлиб хизмат қилди.

Бирок, ўзбек олимлари, хусусан, шахсий илмий фаолиятимдаги энг туб ва таъсирчан бурилиш Янги Ўзбекистон ва Учинчи Ренессанс гоёлари билан бевосита боғлиқ.

Фанлар академиясининг қайта тикланиши, илм-фанга эътиборнинг кескин ошиши, олимлар учун яратилган янги имкониятлар ва қўллаб-қувватлаш механизмлари илмий муҳитни сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқди. Айнан шу даврда илмий изланишларим учун янги суръат, янги мазмун ва кенг истиқбол пайдо бўлди. Шу маънода, бу ишловлар илмий фаолиятимни янада чуқурлаштириш ва уни халқаро миқёсда ривожлантиришга кучли туртки берди.

– Қимматли вақтингизни аяманингиз учун ташаккур! Сермазмун суҳбатимиз муштарийларимиз кўнглидан жой эгаллайди, деган умиддаман.

Суҳбатдош:
Васила ҲАБИБУЛЛАЕВА

Бошланиши 1-саҳифада.

Қарорда “Мактабда шахмат” лойиҳасини амалга ошириш, шахматга ўқитиш тизимини янада ривожлантириш, иқтидорли ёш шахматчиларни танлаш ва саралаш олиш тизимини тубдан такомиллаштириш, имконияти чекланган шахматчиларни қўллаб-қувватлаш, шахмат инфратузилмасини янада ривожлантириш кўзда тутилган. Шунингдек, болалар-ўсмирлар шахмат мактабларини давлат-хусусий шериклик асосида ташкил қилиш ва халқаро талабларга мослаштириш, соҳада малакали мутахассисларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш, малакасини ошириш, юксак натижаларга эришган тренер ва ҳакамлар ҳамда шахматчиларни рағбатлантириш каби долзарб мақсадлар кўзда тутилган эди. Шу боис, ўзбек шахмат мактабининг бугунги ютуқлари тасодифий эмас, десак айни ҳақиқатдир.

Жаҳон кубогини мусобақаларида маҳорат кўрсатган Жавоҳир Синдаровнинг муваффақияти бутун дунё шахмат жамоатчилигини ҳайратда қолдирди. Унинг муайян босқичлардаги рекордлар ва натижалар бўйича энг ёш Жаҳон кубогини соҳибига сифатида эътироф этилиши Янги Ўзбекистон ёшларининг юксак салоҳиятидан далолат беради. Жавоҳир каби ёшларнинг галабаси шунини кўрсатадики, шахматда ёш чегараси тобора қисқариб бормоқда, интеллектуал жанг майдонида эса билим ва шижоат ҳар қандай тажрибадан устун кела олади.

Шахмат бўйича ютуқларимизнинг бардавомлиги 2025 йил декабрь ойида 9–17 ёшли шахматчилар ўртасида ўтказилган жаҳон

ШАТРАНЖДАН



ШАХМАТГАЧА

чемпионатида яна бир бор исботланди. “Рапид” ва “блиц” йўналишлари бўйича ўтказилган ушбу мусобақада юртимиз вакиллари-нинг 5 та олтин, 2 та кумуш ва 5 та бронза медалини қўлга киритиши шунчаки рақамлар эмас, бу – ўзбек шахмат мактабининг дунёда пешқадам эканидан далолатдир. Умумжамоа ҳисобида биринчи ўринни эгаллаш – Ҳиндистон, Россия, Хитой каби шахмат гигантларини ортда қолдириш демакдир.

Нега биз шахматдаги галабаларга бунчалик катта ургу бермоқдамиз? Бунинг сабаблари бор, албатта. Биринчидан, шахмат – интеллектуал капитал. Шахмат билан шуғулланган бола мантиқий фикрлашга, қарор қабул қилишдан олдин унинг оқибатларини ҳисоблашга ўрганади. Бу эса келажақда илм-фан ва юқори технологиялар соҳасида рақобатдош кадрлар етишиб чиқишини таъминлайди.

Иккинчидан, ютуқлар – миллий нуфузни белгилайди. Халқаро майдонда шахматчиларимизнинг галабаси Ўзбекистонни “интеллектуал миллил” сифатида танитади. Бу инвестиция ва сайёҳлик жозибадорлигини оширувчи “юмшоқ куч” ҳисобланади.

Учинчидан, голиб шахматчиларимиз –

ёшлар учун мотивация. Истеъдодли ўғил-қизларимизнинг таълим ва спортдаги ютуқлари тенгдошлари учун ўрнак бўлмоқда. Улар вақтни беҳуда сарфлаш эмас, балки ўз устиди ишлаш орқали дунёни забт этиш мумкинлигини англамоқда.

Ёшлар жамият тараққиёти ва мамлакатимиз келажагини белгилаб берар экан, бизнинг вазифамиз уларнинг жисмоний ва руҳий тарбиясига, соғлом турмуш кечириши ва бўш вақтини мазмунли ўтказишига жиддий эътибор қаратишдир. Таълим муассасаларида ташкил этилган фан, ҳунар ва спорт тўғараклари ҳам айнан фарзандларимизнинг порлоқ истиқболлини белгилашнинг муҳим омили эканини яхши тушунишимиз керак. Ёшларнинг бўш вақти – душманларнинг иш вақти эканини яхши англаб етишимиз лозим.

Мамлакатни дунёга танитишда, шунингдек, ёш авлодни жисмонан ва маънан баркамол қилиб тарбиялашда спортнинг ўрни беқиёс эканини яхши биламиз. Спорт юксак маданият, ватанпарварлик туйғуларини шакллантиришда ҳам муҳим ўрин тутди. Бу соҳада эришилган ютуқлар мамлакатни дунёга танитади, барча юртдошларимизга гурур-ифтихор бағишлайди.

Бир ёдга олайлик-а, илгари бугунгидай замонавий сузиш ҳавзалари, теннис кортлари ёки гимнастика заллари етти ухлаб тушимизга ҳам кирмас эди. Мисол учун, сузиш деганда, ариқ ёки каналларда, оддий санитария талабларига ҳам жавоб бермайдиган лойқа сув ва ҳовузларда чўмилишни тасаввур қилар эдик. Бунинг оқибатида республикамиз аҳолиси, энг ёмони, болалар ўртасида оғир касалликлар ниҳоятда қўлайиб кетгани, оналар ва болалар ўлими бўйича Ўзбекистон собиқ иттифокда энг олдинги ўринларда тургани ҳам кечаги тарихимиздан яхши маълум.

Шу маънода, Президентимизнинг спортга қаратаётган эътибори ҳақида гапирадиган бўлсак, аввало, кўз олдимизга мактабларда, қишлоқ жойларда, маҳаллаларда очилаётган спорт тўғараклари, янгидан қурилган ёки тубдан қайта таъмирланган, замонавий жиҳозланган спорт иншоотлари келади.

Бугун оларда минглаб ука-сингилларимиз, ўғил-қизларимиз ўз иродасини тоблаб, жисмонан ва руҳан соғлом бўлиб воёга етмоқда.

Ёш авлодни юксак ватанпарварлик руҳида тарбиялашда халқаро мусобақаларда улкан натижаларни қайд этаётган спортчиларнинг бой ҳаётий тажрибаси, маҳорати ва салоҳия-

тидан кенг фойдаланиш яхши самара беради. Ана шу мақсадда Олимпия ўйинлари ғолиблари, жаҳон, Осиё чемпионолари бўлган спортчилар туман ва шаҳарларга бириктирилди, спорт мактабларига раҳбарлик лавозимига тайинланди.

Кейинги йилларда аҳоли ўртасида жисмоний тарбия ва оммавий спортни кенг тарғиб қилиш борасида кўп ишлар қилинди. Маҳаллаларда, кўп қаватли уйлар атрофида “Саломатлик йўлаклари”, спорт майдончалари қурилди, таълим муассасаларида спорт тўғараклари очилди, мактаб-интернатлар иш бошлади. Тўғри овқатланиш борасида аниқ чора-тадбирлар кўриломоқда. Пировардида, халқимизнинг ўз саломатлиги ва спортга бўлган қарашлари тубдан ўзгарди.


Ўзбекистонлик спортчилар, хусусан, шахматчиларимизнинг эришаётган зафарлари – Янги Ўзбекистон равнақининг муносиб ифодасидир.

Бугун ёш чемпионларимизнинг галабалари ортда минглаб тенгдошларининг оруз-умидлари ва шижоати ётибди. Зеҳн ўткирлиги ва ақл бовар қилмас матонат талаб қилувчи бу спорт турида эришилган натижалар шуни англатадики, Ўзбекистон фарзандлари ҳар қандай соҳада, хоҳ илм-фан, хоҳ санъат ёки спорт бўлсин, энг юқори чўққиларни забт этишга қодир. Бизнинг асосий бойлигимиз – мана шундай билимли ва азму шижоатли ёшларимиздир. Галдаги вазифа ушбу муваффақиятлар занжирини узмаслик ва шахматнинг ҳар бир хонадонга, ҳар бир мактабга кириб боришини таъминлашдан иборат.

Ҳамолиддин БАДАЛОВ



ТАЛҚИН

СИРЛИ МУАЛЛИФ
КИМ ЭДИ?

Хабарингиз бор, “Jadid” газетасининг 2025 йил 28 ноябрь сониди “Суюнчи” рукида “Ялдо кечаси”ни кутинг ва ўқинг!” номли суҳбат эълон қилиниб, унда “Хайбар-25” номли янги нашриёт фаолият бошлагани ва илк маҳсулоти сифатида “тўрт юз олтимиш бир бетдан иборат йирик ҳажмли, мураккаб сюжет ва композицияга эга фавқуллодда гаройиб тарихий роман” – “Ялдо кечаси” китобини нашрдан чиқараётгани айтилди. Асар қаҳрамонларининг муҳим ўй-фикрлари, ҳиссиёт ва кечинмалари акс этган айрим иқтибослар ҳам ўқувчилар эътиборига ҳавола этилди... лекин, унинг муаллифи сир тутилди. Албатта, жамиятимизнинг уйғоқ фикрли зиялилари орасида дарҳол савол пайдо бўлди: машҳур “Ўткан кунлар”нинг давоми экани айтилаётган бу романни ким ёзган бўлиши мумкин?

Орадан кўп ўтмай, “Хуррият”, “Тошкент ҳақиқати”, “Адолат”, “Маърифат”, “Даракчи” газеталари ҳам асардан парчалар эълон қилди, “Севимли” телеканали бу ҳақда махсус лавҳа берди – яна муаллифи кўрсатилмаган ҳолда. Табиийки, китобхонлар ўртасида қизиқиш ва интрига кучайди. Айниқса, ижтимоий тармоқларда баҳслар қизиди, тахририятларга телефон қилиб сўраганлар бўлди.

Атоқли адабиётшунос олим, Ўзбекистон Қаҳрамони Иброҳим Ғафуровнинг: “Бу китобни у адабий мистификациядан фойдаланган ҳолда, “Ўткан кунлар”нинг иккинчи китоби тарзида ёзди, буюк Қодирий номидан, Қодирий бўлиб ёзди; қаттол замон Қодирийнинг қўлини кишанлаб, унга ёзиш учун имкон бермаганлиги боис фозил издош ва увайс шоғирд сифатида ёзди”, деган фикрлари ҳамманинг тилида айланди.

Қизиқ, ким бўлди экан, бу сирли муаллиф? Янги роман ўз номига мос тарзда айнан ялдо кечаси қутиладиган 21 декабрда тақдим этилар, муаллифнинг қимлиги ҳам ўша кунни ойдинлашар экан. Шу ўринда, мен интернет каналлини қизиқиш билан кузатиб борадиганим – ёш ижодкор Отабек Бакировнинг қуйидаги фикрлари умумий вазият ҳақида озми-кўпми тасаввур беради, деб ўйлайман:

“Тахририятдан сўрасам, улар ҳам билмас экан. Билганларим асосида бир неча тахмин пайдо бўлди.

Биринчи тахминим – Қодирий умрининг сўнгги йилларида яна шох асари руҳига қайтишга аҳд қилган-у, баъзи қораламаларни тайёрлашга ҳам улгурган. Аммо охиригача етмаган. Кейинча-

лик Қодирий муҳибларидан бўлган бирор адиб томонидан топилган асар тарҳи бойитилган.

Иккинчи тахминим – XX асрда тарихий асарлар ёзган ёзувчилардан кимдир “Ўткан кунлар”нинг давомини ёзишга журъат этган, аммо китоб қилиб чиқара олмаган. Иброҳим Ғафуров муаллифга “увайс шоғирд” дея таъриф берганига қараганда, у Қодирий билан учрашмаган. “Фозил издош” эканлига келсак, демек, маҳоратли ёзувчи экан-да. Тарихий-бадший мавзуда ёзадиган адиблардан қай бири бу асарни ёзиб қолдирган? Уларнинг авлодлари кўлғезмани архивдан топиб, ноширга тақдим этган бўлиши мумкин.

Учинчи тахминим – бу улуг ишга замондош адибларимиздан бири қўл урган бўлиши ҳам эҳтимолдан холи эмас. Чунки тарихий мавзудаги асарларга қизиқиш ва эҳтиёж ортиб бормоқда бугун.

Тўғриси, асардан берилган парчаларни ўқиб, негадир, уни ёш ижодкор ёзмаганига амин бўлдим. “Худо хоҳласа, бу йил ялдо кечасини “Ялдо кечаси” романи мутлоласига бағишлашни ният қилдим. Роман чоп этилишини интизор кутаялман”.

“Бир ойдан бери китобхонлар орасида, ижтимоий тармоқларда, матбуот ва телевидениеда номи такрор-такрор зикр этилаётган “Ялдо кечаси” романи тақдироти-га санокли кунлар қолди. Муаллифи сир тутилса ҳам, адабиётсеварлар томонидан аллақачон бир неча ёзувчининг номи илгари сурилмоқда. Китобхонларнинг ички сезгисига шубҳа йўқ, бироқ эшитганимга эмас, кўрганимга ишон, деган нақл бор. Бўлғуси тақдирот иштирокчиларини яна бир адабиёт байрамига шохидлик билан табриклайман!”

Шу ўринда, бир воқеани айтиб ўтай. 10-синфда ўқирдим. Бир кунни қўшнимизнинг тандирхонасида ётган эски журнални қўриб қолдим, тутантириққа ишлатилаётган экан, омон қолган қисмини сўраб олдим. Бир асар эндигина бошланган жойигача йиртилган экан, асар номи ҳам, муаллифи ҳам йўқ, мундарижага қарай десам, журналнинг охири ҳам йўқ. Ўқиб чиқдим, боши йўқ асар менда кучли таассурот уйғотди. Мен уни қисса деб ўйладим. Йиллар ўтди, кўп китоблар ўқидим, лекин ўша қиссени учратмадим. Китобхонлик малакам ошиб боргач, ҳаёлимга муҳрланиб қолган ўша қиссанинг номи “Кўнгил озода-дур...” – муаллифи Хайриддин Султон, деган фикрга келдим. Орадан яна йиллар ўтиб, мазкур асар қўлимга теккач, тахминим тўғри эканини билдим.

Демоқчи бўлганим, жамиятимизда шоиру ёзувчиларимизни адабий услуги ва салоҳиятига кўра фарқлаб оладиган китобхонлар бисёр. Газеталардаги кичик парчаларни ўқиб, асар муаллифини тўғри топган зукко ўқувчиларга – адабиётнинг чинакам синчиларига тасанно айтмоқ керак.

Дарвоқе, “Ялдо кечаси”нинг муаллифи билан боғлиқ сир ҳатто 21 декабрь кунни пойтахтимиздаги “Шаҳидлар хотираси” мажмуасида ўтган тақдирот сўнгига қадар ҳам аниқ маълум бўлмади. Қачонки, ушмундоқ юксак маърифий тадбирларда ровий деган рутбага эришган Олимжон Давлат якуний сўзни адиб Хайриддин Султонга берганидагина, йиғилганлар минбарга ушбу ғаройиб роман муаллифи чиқиб келаётганига амин бўлдилар.

БУНГАЧА...

Замонавий ўзбек адабиётининг забардаст намоёнаси, давлат ва жамоат арбоби Хайриддин Султон билан узоқ йиллар бирга ишлаб, адибнинг ижод жараёнларига ҳам гувоҳ бўлдим. Меҳнаткаш демайки, заҳматкашлиги, айни пайтда, теран тафаккури ва қувваи ҳофизасининг ўткирлигини кузатдим. У кишини бир муддат ҳам бўш кўрмадим. Масъулиятли топириқлар, бир кунда ўнлаб йўналишдаги ҳужжатлар ораллигида, ҳатто 10-15 дақиқа фурсат топилса ҳам, асар устида ишлаш, энг асосийси, шу вақт ичида асар руҳиятига қайта кира олиш, яна аксар ҳолларда ярим оқшомга-ча давом этадиган иш кунидан сўнг, тунни ҳам кўлғезмалар билан бедор ўтказмоқ – ёзувчидан озмунча фидокорлик талаб қилмаса керак. Бу сўзлар ўзи ёза олмайдиган, лекин ёзганини кўра олмайдиган айрим кўнглиги кўр кимсаларга менинг писандамдир.

Бир кунни Хайриддин ака менга икки-уч бетлик бир қоғоз бериб, ўқиб фикр билдиришимни сўради. Тепасига “Махфий” деган тамға қўйилган ҳужжат билан танишар эканман, ҳайратдан тонг қотдим. “Сўровингизга биноан қуйдагиларни маълум қиламиз”, деб бошланувчи расмий хатда сиёсий қатагон қурбони бўлган партия-совет арбоби Қурбон Берегинга оид архивдаги ҳужжатлар орасидан 2060 бетдан иборат кўлғезма топилгани, мутахассислар фикрига кўра, у Абдулла Қодирий қаламига мансуб, эълон қилинмаган асар бўлиши мумкинлиги, ўз даврида Қодирий уни ўқиш учун Ёзувчилар уюшмаси раҳбари Берегинга бергани, шу тариқа кўлғезма Берегиннинг “жинойий иши”га тикиб қўйилгани эҳтимоли айтилиб, кўлғезманинг ўзи ҳам тез орада тақдим қилиниши ёзилган эди.

– Умуман қутилмаган, жуда зўр воқеа-ку, – дедим ҳаяжонлангани. – “Амир Умархоннинг қаниси”-микан?...

– Бўлиши мумкин, – деди Хайриддин ака. – Кўлғезма келсин-чи, маълум бўлар...

Нихоят, бир кунни у кишидан мазкур кўлғезмани олиб, катта қизиқиш билан ўқир эканман, бу Абдулла Қодирий қаламига мансуб, ҳали эълон этилмаган янги бир асар эканига ишона бошладим. Унга “Ўткан кунлар”нинг иккинчи китоби” деб тахмин қилинаётган асар” деб тагсарлашга қўйилгани эса ишончимни зиёда қилди.

Кейин маълум бўлдики, бу сўзбоши “Ялдо кечаси” романи учун Хайриддин Султон томонидан ёзилган бадий тўқима экан. Уни шу ҳолида ҳам бемалол эълон қилса бўларди. Аммо адиб бундай қилмади. Яна узоқ ўйлади. Сўнг ушбу кириш сўзини шу кунларда Берлинда яшаган Илёс Собиров деган ўзбек муҳожир олим архивдан топиб, нашриётга юборган номаълум бир кўлғезма сифатида талқин этиб, қайтадан ёзди. Гўёки, Қодирий асари Туркистон легиони билан боғлиқ ҳолда бу олис улқага бориб қолгандай тус олди. Бу фараз ҳам ишончли эди, чунки адиб бунга ҳам аниқ тарихий асослар топган эди – та-ниқли олим Баҳодир Карим шу мавзуга оид ноб бир материални Гер-

маниядан топиб келиб, муаллифга берганидан хабарим бор эди. Лекин у киши сўзбошининг иккинчи вариантдан ҳам қониқмади ва китобда эълон қилинган бутунлай бошқа – учинчи вариантни яратди.

Бу мисоллар юқорида айтилган заҳматкашлик таърифига яна бир далил, холос. Хайриддин Султон биргина Кириш сўзини уч қайта буткул янгидан ёзгани каби, роман матнини ҳам узоқ вақт давомида такомиллаштиришдан, қайта-қайта таҳрир қилишдан эринмади. Шахсан ўзим асарни кўлғезма ҳолида икки марта ўқиб чиқдим – ҳар гал романда туб ўзгаришлар бўлаётганини кузатиб бордим. Айни пайтда, учинчи мутлолаа китоб нашрдан чиққунга қадар яна жиддий бадий ишловдан ўтганини кўрсатмоқда.

ТҶРТ ЖУМЛАДА БИР
РОМАН МУЖАССАМ

Маълумки, машҳур “Ўткан кунлар” романи шундай якун топади: “Кейинги Марғилон боришимда яқин ўртоқлардан Ёдгорбек Ўғри-сид сориштириб билдим: Ёдгорбекдан... икки ўғул қолибдир. Ўғулларидан биттаси Марғилоннинг масъул ишчиларидан бўлиб, иккинчиси Фаргона босмачилари орасида экан. Бу кунда ному нишонсиз, ўлук-тириги маълум эмас, дейдилар”.

Закий адиб шу тўрт жумлагина сўзда бутун бошли бир роман сюжетини кўра олди ва юксак маҳорат билан ушбу муҳташам асарни яратиб муваффақ бўлди. Уни “Ялдо кечаси” деб номлади. “Ўткан кунлар”нинг иккинчи китоби” деб тахмин қилинаётган асар” деган мавҳумроқ номдан воз кечиб, асарни “Ўткан кунлар”га илова” деб атади. Ўзига хос камтарлик билан муқованинг ички саҳифасида “Тарихий ҳужжатлар асосидаги бадий тўқима муаллифи Хайриддин Султон” деган эслатма берди, холос. “Бу асарнинг муаллифи – номлари кенг жамоатчиликка маълум ва ҳозирча номаълум бўлган юзлаб-минглаб ватандошларимиз, таъбир жоиз кўрилса, бутун ўзбек ҳалқидир”, дея мардона таъкидлади.

ҚОДИРИЙ БОЛИДИН
ҲАЛВО

Муаллиф ўзи учун маънавий пир деб билган Абдулла Қодирийнинг муборак номидан сўз айтмоққа журъат қилар экан, йиллар давомида ўзини бу улуг ишга тайёрлади. Қодирий ҳақида, ул зотнинг ижоди асосида қатор асарлар яратди. Қутб Хоразмий: “Қазонтеқ қайнаб шу савдо пишурдум, Низомий болидин ҳалво пишурдум”, деб ёзганидек, ўзим гувоҳман – мавзуга доир ҳисобсиз тарихий манбалар, архив ҳужжатлари, мамлакатимиз ва чет элларда чоп этилган илмий тадқиқотлар, китоб, рисола ва мақолапар синчилаб ўрганилди, сюжет ва бадий хулосалар муаллиф қалбида қайнаб пишди.

Тўпланган тоғдек улкан материаллар, неча юз минг бетлик кўчирмалар “қариб олти йил қилинган узлуксиз меҳнат, бедор ўтқизилган тунлар, баъзан бир жумла ҳам ёзилмасдан хуноб бўлинган кунлар” ҳисобига бир ғоявий-бадий чизиққа тизимлашиб, теран фикр, чўнг мантиқ асосида қодирёна етук асар дунёга келди.

Жаҳон адабиётида бунга ўхшаш айрим мисоллар мавжуд. Масалан, Иоганн Вольфганг Гётенинг “Ёш Вертернинг изтироблари” номли машҳур романидан 165 йил кейин унинг давоми сифатида яна бир атоқли олим адиби – Томас Манн “Лотта Веймарда” деган асар ёзганини кўпчилик билади. Лекин Манн романида персонажлар ўзгаради – Гётенинг ўзи бош қаҳрамонга, китоб биография асарга айланиб кетади. Ёки Мигель де Сервантеснинг “Дон Кихот” асари ғоят омма-лашиб кетгач, бошқа бир муаллиф ҳали Сервантес ҳаёт чоғида романнинг иккинчи қисмини ёзиб, унинг номидан эълон қилиб юборганига нима дейсиз? Бундан аччиқланган Сервантес ўзи енг шимариб, “Дон Кихот”нинг давомини ёзади. Лекин

ҳар иккала “давом” ҳам биринчи китобдек шухрат қозона олмайди.

Мумтоз ва замонавий жаҳон адабиётининг билгичларидан бири сифатида Хайриддин Султон, албатта, бундай адабий ҳодисалардан яхши хабардор эди. Аммо ўзини қутиб турган адабий муаммолар, ҳаттоки, эҳтимолий таъна-дашномларга қарамасдан, у мана шундай улкан бир ишга қўл уришга қалбида куч ва жасорат топа билдики, бу унинг ғоявий ва бадий мақсади билан узвий боғлиқдир.

ЁЗУВЧИНИНГ МАҚСАДИ

Адибнинг орзу-нияти Абдулла Қодирийнинг ўлмас шухратига шерик бўлиш ёки “Ўткан кунлар”нинг давомини ёзган қаламқаш сифатида арзон-гаров обрў қозониш эмас. Асло! Чунки Хайриддин Султон катта ёзувчи, бинобарин, обрў-эътибори ўзига етарли, миллий адабиётимизда муносиб ва мустаҳкам ўрнига эга. Абдулла Қодирий номидан сўз айтиш эса ўзининг қалбини ўртаб келаётган ғоят муҳим фикрларни, бугунги ҳаётнинг аччиқ ҳақиқатларини ўқувчи онгига чуқур сингирмоқ, шу фавқуллодда услуб билан асарнинг таъсир кучини оширмоқ учун восита сифатида танланган йўлдир.

Муаллиф бундан юз-юз эллик йил наридаги “Ўткан кунлар”имиздан сўз очар экан, аспиди, изтиробли тарих тимсолида ҳозирги кунимизнинг энг ўткир ва дардли оғриқларини одамларга етказмоққа интилади. “Эй, инсон, бу ҳаётда сабий, гўл бўлиб қолма! Кўзингни оч, ҳушёр бўл!” дея ҳайқиради. Эл-юрт аҳлини киприқдаги ёшдек қалқиб турган бугунги нотинч замонга уйғоқ нигоҳ билан қарашга даъват қилади. Гоҳ Отабек, гоҳ Озодбек бўлиб, гоҳ эса Одилбек ёки Нусратхон тўра бўлиб, барчамизни дунёнинг етти ухлаб тушимизга ҳам қирмаган қингир ва ғирром геосиёсий ўйинларидан огоҳ этишга ҳаракат қилади.

Хоссатан, Отабекнинг армон билан айтган қуйидаги сўзларини ўқинг – фарёд тўла бу ҳақиқатлар бугун ҳам жаҳон сахнасида кечаётган воқеаларнинг айнаан акси эмасми: “Фикри оғизимча, бу икки подишоҳ – улар бир-бирлари ила хеш-ақрабо эканлари ҳам ҳазратимга махфий эрмас – ушбу йўсинда зимдан келишиб олганлар. Яъники, Оқ подишоҳ ҳукумати иңгилисларнинг Ҳиндистондаги ҳукмдорлик сийасатида дахл этмаси, иңгилис салтанати ҳам уларнинг Туркистонда мўлжал қилган итислосига мутлақо арашмас. Зеро, кичик бир мусулмон улусини деб соҳиб дунё бўлган икки насроний давлат бир-бирига қарши тиг кўтармас, олампаҳо...”

Шу ўринда, “Ялдо кечаси”да Отабек бутунлай янги – ижтимоий-сиёсий ракурсда намоён бўлганини, алоҳида таъкидламоқ зарур. Замона аъёнларининг “фикри зикри амал, фитна-фасод, рившат, хазинани талаш, хотин устига хотин олиш...” бўлган бир даврда Отабек тараққийпарвар, айни вақтда эрка бир бекзодадан чинакам Ватан ҳимоячисига айлана боради. Аввал – “Ўткан кунлар”да соф муҳаббатни учун курашган бўлса, энди Ватан озодлиги учун жангга қиради. “Мамлакат тинчлиги ва осойиш йўлида бир арзимас бош кетса... ҳеч бокиси йўқдир”, дея бу улуг йўлда азиз жонини фидо қилади.

Отабекнинг Қўқон хони Султон Саййидхон номига йўллаган мактубидаги: “Дашти Қилчоқ ери барча аҳли ислом мулкининг дарвозаси – киндигидир! Кимки бу мулкини қўлга киритса, алап-оқибат наинки Хўқанд, балки Хеваю Бухоро давлатларини ҳам қўлга киритади”, деган очик башорати тарих қатларига кўмилиб кетмаганини, аксинча, бугун ҳам нақадар долзарб эканини барчамиз яхши англашимиз даркор. Бу гапларнинг маъносини чақяпсизми? Илло, бу изтиробли хитоблар “бамисоли қабристонда азон чақирган каби акс-садосиз йўқолиб” кетмасин!

Ёки Отабекнинг бабираси

Озодбекнинг мана бу сўзларини ҳозирги замон учун дахлсиз, деб ўйлайсизми: “Иним, бошини қонли челаққа тўқма... Чунки, куч баробар эмас, имкон, сиҳоқларимиз тенг эмас... На Туркия, на Оврупо – ҳеч қайсиси бизни деб, ўз халқининг манфаати ва ҳаловатини хатарга қўйма. “Туркия-Туркия” деб тамшанган билан оғиз чучимас. Туркия ҳам собиқ бир империя эканини, улугдавлатчилиқ касали унга-да бегона эмаслигини унутмаслик зарур. Қолаберса, Отамурк Ленин билан оғиз-бурун ўпишиб юрганини билурмисан? Биз фақат Яратган эгам ва ёлғиз ўз кучимизга таянмоғимиз лозим. Дунё ер юзидеги қудратли салтанатлар ўртасида аллақачон тақсим қилиб бўлинган. Бул тақсимотда биз – Туркистон каби ноҷор ва заиф ўлкаларнинг улуши йўқ даражада-дур... Агарки биз миллат, давлат ўлароқ дунё харитасидан буткул ўчиб кетсак ҳам, бул фожиа жаҳон хожаларини қивин қаққан каби сескантирмас. Бас, ҳол шундай экан, биз ўзимизни жаҳаннам оташига отмаслиғимиз, аксинча, элимиз, юртимизни қандай қилиб бўлса-да, йўқ бўлиб кетишдан асраб қолиш ҳақида қайғуришимиз керак. Туркистон яна бир мухторият қирғинини кўтара олмас”.

Бу аламли, лекин ҳаққоний фикрларни хотиржам тинглаш мумкинми?!

Тарих ўзгармайди, исмлар ва қиёфалар ўзгаради, холос. Асарни ўқир экансиз, ногоҳ унинг тағ-заминидаги теран фикрларни англаб, қиличнинг тигидек кескир бир савол этингизни жунжиктириб юборади: биз – юрт учун жонини қурбон қилган мана шундай қаҳрамон зотларнинг авлодлари бугунги нотинч дунёда Ватанимиз мустақиллигини ҳар сония, ҳар дақиқа ҳимоя қилишга қодирмизми?

Романдаги реал прототипга эга бўлган, яъни улуг маърифатпарвар Исҳоқхон Ибрат шахсини бадийлаштирган оқил мўсафид – Нусратхон тўранинг мана бу фикрлари нафақат бугун, балки узоқ келажакда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаслиги шубҳасиз: “Ниятлари гўзал, орзулари-да сарафдор. Аммо мамлакатдорлик ёлғиз ҳою ҳавас билан пайдор бўлмас. Иқтидор, аъвалан, ҳарбий иқтидор керак. Сармоявий қудрат лозим. Сония, эл-улусининг яқдипливи, қўллови даркор. Таассуфки, мухториятда мана шу уч нумарсаннинг биронтаси ҳам йўқтур. Бўлса-да, чала ва заифдир. Мана, ўзинг мушоҳада эт. Бас, бу кунги ҳолимизни хотирга келтуриб, истиқболимизни тайин этайлик”.

Абдулла Қодирийнинг муносиб невараси Хондамир Қодирийнинг тақдирот маросимда айтган гаплари ҳаммамизни ўйлантириши зарур: “Ўткан кунлар” романи ҳам, “Ялдо кечаси” асари ҳам бизни, энг аъвало, азиз Ватанамизни, унинг озодлиги ва мустақиллигини асрашга, миллий истиқлолнинг қадрига етишга чорлайди. Зотан, кўхна тарих шундан сабоқ берадики, мустақиллик, озодлик ва эркинлик ҳимояси йўлида бир умр оёоқ, ҳушёр ва сезгир бўлишимиз керак”.

Ахир, бу аччиқ ҳақиқатлар мустабид тузум зулми туфайли Абдулла Қодирийнинг юрагига армон бўлиб қолган сўзлар эмасми? Буюк Қодирий “Ўткан кунлар”да элу юрт дардидаги фигону фарёдларини имкон қадар баён этган бўлса, “Ялдо кечаси”да бу фикрлар янада дадил ифода этилганини кўрамиз.

“Ўткан кунлар”даги Юсуфбек ҳожи билан боғлиқ қуйидаги сўз на эсингиздадир: “Беклар, маним ҳамма мулоҳазам юрт, эл манфаати нуқтасидан туриб айтиладир... Бас, айб қилчоқда эмас, балки унинг манфаати шахсияси йўлида иш кўручи бошиқлариде ва қилчоқлар йўлагандек гуноҳ қора чопонлиларда бўлмай, балки унинг уч-тўрт маънисиз беклариде!.. Буродлар! Урус ўз ичимиздан чиқадирган фитна-фасодни қутиб, дарбозамиз теида кўр тўкиб ётибдир. Шундай маҳшар каби



ХУЛОСА ВА САБОҚЛАР

бир кунда биз чин ёвга берадирган кучимизни ўз қўлимиз билан ўлдир-сак, сен фалон деб қирлишсак, ҳолимиз нима бўлади? Бу тўғрида ҳам фикр қилгучимиз борми? Кунимизнинг кофир қўлига қолиши тўғрисида ҳам ўйлаймизми ёки бунга қарши ҳозирлик кўриб қўйганмизми?! Сиз ўз қилчоғингиз учун қабр қазиган фурсатда, сизга иккинчилар тобут чопадир. Биз қилчоққа қилич кўтарганда, ўрус бизга тўп ўқлайдир. Сиз дунёда ўзингизнинг ягона душманингиз қилиб қилчоқни кўрсангиз, мен бошқа ёвни ҳар замон ўз яқинимга еткан кўраман!”

Юсуфбек ҳожининг кўзда ёш билан айтаётган бу гапларини ўша вақтда “Тошканднинг етуклик ашроф ва аъёнидан” бўлган энг олди бек ва амалдорлари тушунмагани, тушунмаслик не, ҳатто донишманд ҳожини “ёши қайтиб, кўнгли жуда ҳам бўшашиб кетган”га чиқариб, “олдидаги овни кўрмай, узоқдаги ёвни кўради”ган “кўкнорихаёл”га чиқариб, “худда-худда”лаб қулгани сингари бугун ҳам жамиятимизда шундай ачинарли ҳодисаларга гувоҳ бўлмаяпмизми? Глобал дунёда қутилган ва қутилмаган жиддий хатарлар бошимизга хавф солиб турганида, дейлик, Тошканд беклари ягона душмани сифатида қилчоқни кўрганидек, ўзбек зиёлиси учун бугун Абдулла Қаҳҳордан бошқа душман йўқмикин, деб ўйлаб қола-сиз. Юсуфбек ҳожи дардчил жилмайгандай бўлади: “Ана, ўғлим, бизнинг халқнинг ҳолига йиғлашни ҳам билмайсан, қулишни ҳам!”

Тақдирот маросимида, Хайридин Султон ўринли таъкидлаганидек, ушбу асар муҳтарам Президен-тимиз Шавкат Мирзиёев томонидан юртимизда амалга оширилаётган очиқлик ва эркинлик сиёсатининг амалий ҳосиласи сифатида дунёга келди. Чиндан ҳам, давлатимиз раҳбари айтганидек, агарки, ҳар жаҳҳада юксак салоҳият соҳиблари бўлган, эҳтимол, юз йилда бир марта дунёга келадиган бу аждодларимиз йўқ қилинмаганида, уларнинг гоё ва дастурлари амалга ошганида эди, Туркистон ўлкаси – ҳозирги Марказий Осиё жумҳуриятлари қаторида Ўзбекистон ҳам қандай қўллаб-қўллаганидан, бугун бизни қийнаётган оғир муаммолар балки бундан юз йил аввал барҳам топган бўларди. Минг афсуски, мустабид тузум бунга йўл қўймади. Уларни қатл ва қатагон қилди. Аммо бу фидойи зотларнинг руҳини, тафакку-рини маъв этолмади.

“Ялдо кечаси” романи эл-юрт озодлиги учун қурбон бўлган фидо-ий аждодларимизнинг ўлмас руҳи ва тафаккурини ўзида жо этгани ва бугунги кун учун гоёат муҳим бўлган гоёвий-сиёсий моҳияти билан бе-қиёс аҳамиятга эгадир.

БИР АЧЧИҚ КУЛГИ

Асарда гўёки Қодирий номидан битилган “Ёзғучидан” деган қисқа эскартма берилган. Келинг, шу их-чам матндан узунроқ иқтибос келтирайлик:

“Қадам асрлардан то бизнинг кунларга қадар халқимиз турмуш воқеаларидан ироқ афсона ва эр-такларни тинглаб-ўқиб келади. Ота-боболаримиздан қолган ил-рин-ширин китоблар, қисса ва ривоятлар бисёр. Икки-уч юз йилдан буён ана ўшаларнинг баракасида қонимизни соевутмай келдик.

Буларнинг руҳиятқа берган маънавий таъсирини инкор этмак мумкинми?

Бекорчиқдан зерикиб, “Бобо Раъшан”ни очасиз-да, Қашамшам-нинг дулдўлни миниб, аждарни ўл-дирғали кетканини ўқийсиз... Ана шул фурсатдаги кайфни кўрина! Ўзингизни бамисоли Қашамшам деб хаёл қиласиз-да, тилсимиза кў-мишган аждарга қараб туриб, қў-лингиздаги елпугичнинг йўгон ёго-чи билан андоғ урасизки, хонадаги бор бисот-бағалингиз чил-парчин бўлуб, чанг-тўзони осмони фалак-ка кўтарилади.

Наинки авом, балки замонанинг фозилу орифлари, юрт сўраган ҳу-камоларининг ҳам танглайи мана шундай асотирлар ила кўтарил-

ган эди, десак, сўзимиз ёлгон бўл-мас. Инчунун, Бухорои шарифдек муаззам бир салтанатда даврон сурган амири Ҳайдар узун киш кечалари саройга қиссахонларни тўллаб, улардан достону чўпчак эшитиб, хаёлот дарёсига ғарқ бў-лар экан.

Ривоят қилурларким, мазкур амири Ҳайдар зимистон бир ке-чада Чори бахшидан “Алпомиш” достонини тинглаб ўлтириб, сўз Алпомишини қалмоқ қўлига тут-қун бўлиб тушкан ерига етканида, азбаройи ҳаяжони жўшиб, сакраб отқа минган ва сипоҳий-сарбоз-лариға юзланиб: “Кетдик қалмоқ элига – бориб Алпомишни кутқа-рамиз!” деб хитоб қилган экан.”

Қандай оғир ва алам-ангез ҳа-қиқат – бир аччиқ қулги бор бу сўзларда. Ахир, тарихда халқимиз ҳаётининг катта қисми мана шун-дай турмушдан йироқ бўлган афсо-наю чўпчакларга – “ширин-ширин” ривоятларга андармон бўлиб ўтиб кетмадими? Достондаги Алпомиш-ни кутқармоққа шайланган ҳўкмдор аҳволдан қуласизми-қуясизми? Таниқли адиб Эфраим Севеланинг ижодида шу нарсани кузатганман: чин миллатпарвар ёзувчи миллат-нинг эмас, унинг нуқсону айблари устидан ошкора қулиб, аслида бо-тинан йиғлаб ёзади.

Ғафур Ғулومнинг “Шум бола”си-даги машҳур парчаларни эсланг:

“... Ҳожи бобо, китобдаеи бу масалага шубҳа қилиб қолдик. Абу Муслими соҳибқирон билан Наси-ри Сайёри Беор дашти Хуросонда жанг қилганда ул жанобнинг бош-ларига-ку, Насири Сайёр тўқсон олти минг ботмонлик аурзизарон билан урган эди. Шунда ул жаноб тиззагача ерга ботган эдиларми, ёки белгачами? Бултурги ўқиган нухсамизда тиззагача дейилган эди. Бу йилгисида белгача, деб ёзилган.

– Тиззагача дегани тўғри, – деди Ҳожи бобо, – чунки қоидаи паҳла-воилик уч зарб бўлади. Биринчи зарбда тиззагача, иккинчи зарбда белгача, учинчи зарбда елгагача. Наузанбиллох, бир зарбда ул сак-бачча жанобни белларигача ерга ботирган бўлса, иккинчи зарбда қулоқларигача ботириб, зўравон-лик Язид билан Марвонихарда қо-лар эди...”

“Гермон дегани олтига томо-нида кўзи бор, қанотли бир тоифа эмиш. Оқ пошшонинг бир талай шаҳарларини ер билан яқсон қил-ган эмиш. Айниқса, ўрмаловчи бир тўп чиқарган эмиш, бу тўпи аждар наслидан эмиш. Гермонга фақат Абу Муслим, Қаҳрамон қотил, Халифаи Румдай соҳибқиронлар бас келмаса, бошқаси бас келолмас эмиш...”

Астафйруллох, илму урфон қўй-дай адашиб Европа томонларга ўтиб кетган (Миркарим Осим ибораси), “гермон дегани аждар на-слидан тўп ишлаб чиқараётган” бир замонда, биз “қадам асрлардан то бизнинг кунларга қадар” турли чўп-чаклар тўқиб, “тиззаларигача ерга кириб кетдиларми, белларигача?” дея баҳс дошдас, Насири Сайёрни “Ё Али!” бобда даст кўтариб, муборақ бошларидан етти маротаба айлан-тириб-айланганлиг осмонга отган ва бир ош пишунга қадар кўздан ғойиб бўлиб кетган ул нопокнинг вужудини баъдаз муборақ қўлла-ри билан тутиб олган Абу Муслим жангномалари сингари лоф тўла ўтирик-ўшшакларга “киройи мардо-налик бу бўлибдур”, дея ўзимизни овутиб юрмадикми?

Бугун-чи, бугун? Интернет тар-моқлариға бир қаранг. Замондош-ларимиз “бел боғлаб” бахслашиб ётган майдон ўта тор, ўта маиший ва ҳатто маиший бузуқ мавзулар эмасми? Наҳотки, “тўнни узун қий-моқ мақбулни ё қисқа”дан бошқа ўйлайдиган жиддийроқ масала-миз бўлмаса? Буларни кўрай экан, шоирга қўшилиб: “Шулар ўйларми-кин тупроғимизни, Шулар кўтарар-ми элнинг юкни?” дея ҳайқириб юборгингиз келади.

Хайридин Султон – миллатпар-вар адиб, бир зиёли, соғлом фикр-ли инсон ўлароқ ўлкамизнинг қонли

ва шонли тарихини, элу юрт бошига тушган қора кунлар моҳиятини ан-глаб ларзага тушади. Бугунги маъ-навий эврилишларни кўриб-куза-тиб, қаттиқ хавотирлик туяди.

У “миллий озодлик учун жонини тиккан, Ватан ва келгуси насллар тақдири ҳақида қон ютиб қайғур-ган қаҳрамон, жувонмард ва жу-вонмарг аждодларимизнинг кураш йўли, мурод-маслакларини, орзу-интилишларини, ақл-заковатини, бу-килмас иймон-иродасини, қанчалар аянчли кечган бўлмасин, ибрат-ли қисмати ҳақида замондошлар, алаҳхусус, ёш авлодимиз кўпроқ билишлари, ҳаққоний тасаввурга эга бўлишларини” истади. Мана шу енгилмас истак – аждодлари-мизнинг маънавий васияти худди қиёмат қарз каби унга тинчлик бер-мади ва қўлига қалам тутқазди.

“Алқисса, энди даврон ўзгариб, ана шу чўпчак-афсоналар ўрнини босадирган, замон талаби ва закий зотлар таъбиға мос келадирган би-рон ҳаққоний асар битмоққа кўпдин буён орзуманд эдим”, дея буюк Қо-дирий тилидан сўзлади у.

Адиб жиддий китобларни қўйинг, ҳатто телефонидидаги бир-икки оғиз жумлани ҳам ўқишга эринадиган, кўзи очик мудрайдиган бефарқ за-мондошларимизнинг ҳам фикрини уйғотмоқ мақсадида мана шундай бадий интригани ўйлаб топди.

Никколо Макиавеллининг фалса-фаси ва инглизча ибора билан айт-ганда, “The end justifies the means”, яъни мақсад – воситани оқлайди, албатта. Аммо бу ўринда Альберт Эйнштейннинг ҳам фикри муҳим: “Номуносиб воситаларни оқловчи мақсад ҳеч қачон юксак мақсад бў-лолмайди”. “Ялдо кечаси” романи муаллифининг мақсади ҳам, мақ-сад йўлида қўллаган воситаси ҳам эзгу ва хайрли эканини алоҳида таъкид этмоқ зарур. Биргина да-лил: қўллаб китобхонлар, зиёлила-римиз янги асар муталаасидан сўнг “Ўткан кунлар”ни қайта ўқишга ту-тинганлари, шунга икки бир эҳтиёж туғилганини айтмоқдалар.

Шоир айтадики: “Унинг шеър ёз-маслиги эҳтимол, Луис Моран аммо шоирдир”. Ўқувчи “Ялдо кечаси” муталаасига киришар экан, ундаги “Ўткан кунлар” руҳияти аққол акс этадиган “Пири сиддик. Икки ғариб” номли илк сарлавҳани ўқибоқ, кўн-глида “Бу асарни Қодирий ёзмагани эҳтимол, лекин ёза – худди шун-дай ёзган бўларди”, деган ишонч қатъийлашади.

УСМОН ҚУРЪОНИНИНГ ҚАЙТИШИ

Фурсатдан фойдаланиб, муҳ-тарам китобхонларимизга “Ялдо кечаси” романининг энг ҳаяжон-ли, энг таъсирчан бўлимларидан бири – “Мусхафи шарифнинг қай-тиши”ни алоҳида эътибор билан ўқини тавсия этган бўлардим. У саҳифаларда “тамоми ер юзидида мусулмонни олимлариға маълум” бўлган Усмон Мусхафи тарихидан ҳикоя қилинади.

Айтиш лозимки, бир пайтлар чор истилочилари томонидан ал-дов ва қўрқитиш йўли билан ўлка-миздан олиб кетилган бу табаррук китобнинг юртимизга қайтарилиши билан боғлиқ воқеалар адабиёти-мизда ҳали ёритилмаган мавзулар-дан бири эди. Романнинг “Ёдгорбек Отабек ўғлидирман...” номли боби-дан бошлаб унинг мазмунига маҳо-рат билан сингдирилган ушбу воқеа баёнини, таъбир жоиз бўлса, асар ичидаги мустақил асар сифатида баҳоласак, хато қилмаган бўламиз.

Китобда Нусратхон тўра номи-дан айтилган бир башорат бор: “Мусхафи шариф неча йиллар ҳу-кумат тасарруфиди бўлар – буни билмасман, аммо иймоним қомил-ким, бир кун келиб у яна мусулмон-лар қўлига ўтқай ва шундагина Тур-кистон чин маъноси ила истиқлол ва озодлиққа эришгай”.

Дарҳақиқат, 1923 йилдан бошлаб совет музейларида сақланган Ус-мон Қуръони 1989 йили мусулмон-лар идораси ихтиёрига топширил-ган, орадан икки йил ўтиб юртимиз мустақиллиги қўлга киритилади. Бу, албатта, кейин юз берган воқеалар.



Ҳозир эса “Ялдо кечаси”га қайтай-лик.

“Пойиз ўтиб бораётган Тоторис-тон ва Қазоқия ерларида, – деб тас-вирланади асарда, – туя ва от мин-ган ҳамда пойи-пиёда сон-саноксиз одамлар сахрою чўллар, яйлов ва ўрмонларда яшил туғ ва аламлар-ни ҳилпиратиб, кўзлари ёшқа тўл-ган ҳолда, “Аллоху акбар!”, “Алло-ху акбар!”, “Лаа илааҳа илладлоху валлоху акбар!”, “Аллоху акбар ва лиллаахил ҳамд!”, деган хитоблар билан махсус вағўн ортидан югу-риб-елиб келар эдилар.

Оташ ароба тўхтаган бекатларда эса ёшу қари, эрқагу аёл аралаш тумонат мардум вағўнларга ёпири-либ ичкарига киришча уринар, қу-ролланган соқчилар бунга изн бер-магач, ҳеч қурса, пойизнинг эшик ва ойналарини, бу ҳам муяссар бўлмаса, темир ғилдирақларини тавоф қилмоққа жон-жаҳди ила ин-тилар эди. Ўзини мўмин-мусулмон санаган ҳар бир инсон бу шуқўхли қарвон йўлига пешвоз чиқишни, шу тариқа улуг бир савоёға дохил бў-лишни илоҳий бурч, деб биларди”.

Бу вагонда Усмон Мусхафи Бош-қирдистондан Туркистонга олиб ке-линмоқда эди. Ана шундай юксак эътиқоду эътимод, асасая дабда-ба билан юртга олиб келинган ки-тобнинг ҳоли кейин не кечди? Аф-сус, минг афсус...

Китобда гўёки наشريёт номидан берилган изоҳда шундай аламли сўзларни ўқиймиз: “...орадан бир неча йил ўтиб (яъни, мустақил-лик арафасида – И.И.), Тошкент кўчаларини тўлдириган мин-минг кишиларнинг ҳаяжонли ҳайқири-қлари, шоду хуррамлик садолари остида Мусулмонлар идорасига топширилган Усмон Мусхафи би-лан боғлиқ ақл бовар этмас ҳунук бир воқеа содир бўлади. Яъни, ҳеч қутилмаганда, 353 саҳифалик бу мўтабар китобнинг 15 вағғи йў-қолгани ҳақида гап-сўзлар тарқа-лади. Устига-устак, Лондонда ўт-казилган қимовши савдосида унинг ҳар бир вағғи 55 минг доллардан баҳоланади. Шов-шув кўтарилди, текишурулар бошланади. Дунё му-тезларида бу ноёб китобнинг ол-тигагина нухаси сақланар экан. Бошқаларга сўров юборилса, улар-да бус-бутун турибди, Тошкентда эса...”

Маълум бўлишича, китоб то-пиширилган ўша маҳкамада ишловчи тўрт киши тил бириктириб, ўн бешта вағғани китобдан қирқиб олиб, бир ажнабийга 2 (икки) минг доллар(!)га сотган экан...”

Асарнинг кейинги сатрлари бун-дан ҳам дардли:

“Оғир бир савол одамни қўйнай-ди, изтиробга солади. Ушбу Қуръ-они қарим уч асрдан зиёб вақт давомида Самарқандда, кейин қарийб ярим аср чор Россияси ку-тубхонасида, етти йил Уфа шаҳ-рида, сўнгера эса олтмиш беш йил мобайнида совет Ўзбекистони музейларида асраб келинди. Мана шундай узоқ даврлар мобайнида юз берган истило ва босқинлар, жаҳон ва фуқаролик урушлари, очарчилик ва қаҳатчилик, қатагон қиргинлари, зилзила ва тошқин-

лар, ашаддий атеизм хуружлари-га қарамасдан, тўрт юз йилдан ортиқ вақт мобайнида бирон са-ҳифаси у ёқда турсин, биронта ҳарфига зарар етмасдан безавол, бешикаст сақланди. Ва ниҳоят, Мусхафи шариф Мусулмонлар идорасига берилганидан сўнг уч-тўрт йил ўтиб, мана шундай ёвуз-лик содир этилди!”

Қандай чидаб бўлмас иснод бу! Юрагида виждони уйғоқ ҳар бир инсоннинг “қаҳру ғазабдан бир газ сакраб” тушиши шубҳасиз бундай шармандаликдан.

Лекин, минг афсуски, бу воқеа уйдирма ёки бадий тўқима эмас, ҳаётий асосга эга, очик манбалар-да эълон қилинган тарихий ҳақиқат-дир.

Асар давомида яна қуйидаги сўз-ларни ўқиймиз:

“...Ривоятларга кўра, ҳазрати Усмон мазкур Мусхафи шарифни ўқиб ўлтирган чоғларида шахид этилганлар. Ул зотнинг муборақ қонлари мана шу қўриб турганин-гиз саҳифаларга сачраб, доғлари то ҳануз сақланиб қолган...”

Озодбек Қаломуллохни кўз нури ила тавоф қилар экан, “Отамнинг ҳам қони сачраган!” – деган фикр қўнғилидан ўтди”.

Оталарнинг, боболарнинг мўтабар қони сачраган, бугун-ги кунда Ўзбекистондаги Исло-м цивилизацияси марказида кенг жамоатчилиққа намоиш этилаёт-ган, мусулмон оламининг энг улуг ва муқаддас дурдоналаридан бири бўлмиш Усмон Мусхафининг “шу-қўхли ва айна чоғдаги маҳзун тари-хи” мана шундай. Китобхонларимиз бу тарихдан – “қоғоз бетига тушган ҳар бир сўз, ҳар бир ибора ўт сочиб ёнаётган” саҳифалардан ибратли ҳулосалар чиқариб яшаши бугунги кунимиз учун нақадар зарурдир.

НОВАТОР АДИБ

Одатда, аксар ёзувчилар ёши улғая боргани сари кўпроқ анъа-навий ижод йўсинига, ҳатто кўпроқ дидактикага мойил бўлиб бориши сир эмас. Улар замонавий адабий тажрибаларга нафақат қўл уради, аксинча, шу ҳаракатдаги ёш ижод-корларнинг изланишларини қабул қилиши ҳам қийин кечади.

Хайридин Султоннинг кейинги йилларда эълон қилинган асар-лариға назар ташласак, бунинг акси намоён бўлади. Замонавий ўзбек адабиёти намояндаларини, уларнинг тақдир йўлларини бир рамзий бино атрофига жамлаган “Навоий-30” китоби, фақат қаҳра-монлар монолоғи асосига қурилган “Одамлардан тинглаб ҳикоя” тўпла-ми, телефон кўнғироқларидаги суҳ-бат-мулоқотлар орқали бугуннинг алғов-далғов манзараси муҳирона акс эттирилган “Ишонч телефони” қиссаси, миллий адабиётимизда деярли ёритилмаган учувчилар об-рази ғалереясини тақдим этган “Ос-мони фалакларда” асари, мозий ва ҳозирги кун ажиб бир уйғунлиқда тасвирланган “Улуғ амир ва донна Мария” адабий сценарийси орқа-ли биз бу муаллифни новатор бир адиб сифатида кўраимиз.

Адабий мистификация усулидан

фойдаланиб яратилган “Ялдо ке-часи” романи эса, бемалол айтиш мумкинки, замонавий ўзбек ада-биёти учун чинакам кашфиётдир.

Аслида, Хайридин Султон ҳар бир янги асарини битар экан, Қоди-рий таъбири билан айтганда, “маз-муни замонасозлик” йўсинида ёки ёшларга ёқмоқ умидида янгиликка қўл урмайди. Билъакс, новаторлик аввал-бошдан адиб ижодиға хос асосий хусусиятлардан бири эди, десак, адашмаган бўламиз. Маса-лан, ижодий фантазия ва фантас-магориянинг ажойиб намунаси бўл-ган “Кўнгли озодадур” қиссасида камбағал аспирант Ғулмоннинг ижа-ра хонада гоҳ Ғулҳанай, гоҳ унинг бетакрор “Зарбулмасал” асарида-ги қўшлар билан гурун қилиб ўти-риши ёки “Ёзнинг ёлғиз ёдғори”да Насиббекнинг қатл саҳнаси жонсиз бир буюм – М. тилидан ифодалани-ши ана шундай услуб изланишлари махсулидир.

Энг асосийси, бу адабий тажри-балар шакл кетидан қувиб, маз-муни унуттишга олиб келмайди, яъни мазмун шаклга қурбон қи-линмайди. Айни пайтда, муаллиф тафаккури дарёнинг нариги қирғо-ғидан эмас, ўзлгилгимиздан, миллий заминимиз, мумтоз адабиётимиз-нинг асл шарқона мажоз ва фалса-фасидан қувват олиши боис, бун-дай бетакрор бадий талқинлар ўқувчини ишонттиради. Янаям му-ҳим жиҳати – ёзувчи адабиётимиз-га янгилик олиб қирар экан, бирон жойда буни пеш қилмаслиги, мақ-танмаслиги, аксинча, сокин дарё каби ижод йўлини тинчгина давом эттириши, албатта, эҳтиромга са-зовордир.

Хайридин Султоннинг кейинги асарларида мана шу новаторлик услублари янги босқичга кўтари-либ бораётганини кузатамиз. Адиб ғайрат-шижоат билан мана шундай адабий изланишлар асосида ори-гинал асарлар яратиб келаётгани ёш ижодкорларимиз учун ибрат ва намунадир.

Албатта, бу хусусият ҳали ада-биётшунослар томонидан ўрганил-ган, ёритилган, деб умид қиламиз. Биз, ўрни келганда, кичик бир таъ-кид билан чекландик, холос.

АГАРКИ...

“Ялдо кечаси” романини чоп эт-ган “Хайбар-25” нашриёти ходим-ларининг маълум қилишича, китоб жамиятимизда жиддий резонанс уйғотиб, айниқса, ёшлар орасида унга қизиқиш тобора ортиб бораёт-ган экан.

Агарки, халқимиз, фарзандлари-миз ушбу асарни синчиклаб ва ту-шуниб ўқиса, унда кўтарилган мав-зуларни бугунги кун нуқтаи назари билан тафаккур қилиб, зарур ҳуло-салар чиқара олса, даврининг тур-фа ҳодисотлариға, замон зиддият-лариға бефарқ бўлмасдан, чуқур таҳлил эта билса, хаттарларни тўғри англаб, оқни қорадан ажратса, Ва-тан ва миллат қайғуси уларнинг ҳам онги ва қалбидан жой олса, демак-ки, бу китобдан кўзланган мақсадга эришилмоқда, деб айта оламиз.

Икром ИСКАНДАР



АБАДИЯТ ОРАЛАБ...

Ўтган асрнинг ўттинчи йилларидан бошлаб то ҳозиргача аксар ёзувчиларнинг бадиий диди Абдулла Қаҳҳорнинг эстетик қарашлари таъсирида шаклланган, десак хато бўлмайди. Қаҳҳорнинг кескин муносабатисиз қирқинчи-етмишинчи йилларда адабиётимизда халтура янаям кўпроқ бўлиши турган гап эди. Чунки конфликтсизлик, сохта бахт таронаси рағбатлантирилар, ҳар қандай асардан (хатто беш-олти аср аввалги турмуш тасвирланган бўлса ҳам) бевосита ё билвосита “коммунизм чўққилари”ни тараннум этиш талаб қилинар эди. Яхшиям, Абдулла Қаҳҳор бор эди, талай “тирик классик”ларнинг томсувоқ пули учун ёзган асарларига устара дамидек кескир қаламидан учган икки оғиз гапи билан ҳақиқий баҳо берарди-қўярди.

Бизга тенгдош адабиётшуносларнинг илмий зехния-ти эса Иззат Султоннинг, у кишининг қаватида юрган олимларнинг сўзшуносликка оид муносабатлари орқали чархланган. Чунки биз талаба, сўнгроқ ёш илмий ходим бўлган кезларда домла нафақат адабиётшунослик, балки умуман филология соҳаси пешвоси, оқсоқоли саналар, ҳар бир сўзи илмий давраларда эъозлаб қабул қилинган. Домла энг обрўли адабиёт назариячисигина эмас, шу билан бирга, умрининг сўнгигача биринчи рақамли навоийшунос, эллигинчи йилларда илиқлик даври бошланиб Абдулла Қодирийга йўл очилган, унинг асарларини нашрга тайёрлаган олимларга бош бўлган сиймо эди. Тил ва адабиёт институтининг илмий кенгаши бўладими, “Ўзбек тили ва адабиёти” журнали таҳрир ҳайъати йиғилишими, ё Фанлар академияси президиуми анжуманими, Иззат Султоннинг чиқишларини олимлар интиқ кутишар, ҳар бир нутқидан сўнг ҳар ким фикрда “бир нималик” бўлиб қолар эди.

Бунинг боисини ўйлаб, шундай хулосага келдим: аввало, Иззат Султон ҳеч қачон, ҳеч қерда кераксиз гапни, одамларга маълум бўлган нарсани гапирмас, ҳар бир сўзи янги, ҳали ҳеч ким эшитмаган илм бўларди. Ҳатто ким биландир қақчақлашиб ўтирганида ҳам зарурати бўлмаган гапни асло айтмас, суҳбатдошини ҳам шунга ундарди. Яхши эсимда, фан доктори илмий даражасини берувчи кенгаш раиси бўлган Иззат Султон, ёши саксонлардан ошган бўлса-да, нихоятда хуш-ёр, минбарда “ўтлаб” кетаётган олимларнинг сўзини бўлиб, “Шошманг, шу диссертация бўйича фикрларингизни айтинг, бошқа гапларга ўтмайлик”, дея ўзидан ўн-ун беш ёш кичик, аммо қандайдир чарчаб қолган олимларни тўғри йўлга солар эди.

Иккинчидан, устоз ўз фикрлариға ҳеч кимга муяссар бўлмайдиган бир ифода топишга моҳир эди. Сиз билан бизнинг оғзимиздан чиқса жўн бир гапдай қабул қилинадиган фикрларни шундай айтар эдики, ўша мулоҳазанинг ҳали биз пайкамаган фазилатлари ҳам очилиб келаётгандай бўларди.

Учинчидан – хотира қуввати! Институт мажлисларида нутқ сўзлар экан, “профессор фалончининг 1946 йилда чоп этилган фалон асарида мана бундай гап бор эди”, дея ўша иқтибосни рус тилида ёд айтар, унинг ўша манбада айнан шу тарзда битилгани эса шубҳасиз бўларди.

Илмий фикрни энг ихчам ва мукамал етказиш Иззат Султонга хос эди. Бунга фан доктори, профессор Шариф Юсуповнинг ҳаётий ҳикоясини мисол келтириш мумкин:

“Бир сафар Иззат Султонга опти юз йўллик мақола ёзиб беришни сўраб мурожаат қилдик, – деган эди

Шариф ака “Ўзбекистон маданияти” таҳририятидаги фаолиятини эслаб. – Домла мақолани ёзиб юборди, линотипда тердирсак, оз ҳам эмас, кўп ҳам эмас, нақ олти юз сатр чиқиб турибди-да! Саҳифада шунча жой ажратилган эди, куйилибгина тушди. Бироқ эртасига ишга келсак, ТАССдан шу саҳифага оид бир сурат юборилган экан. Ўта шошилинч нарса бўлганидан, ҳа энди, ўша бетдаги Иззат Султоннинг мақоласидан бирон ўн сатрини қисқартирсак, сурат жойлашади-қолади, деган тўхтамага келдик.



Аммо... буни қарангки, тўрт журналист эрталабдан пешингача – беш соат мук тушиб ўтириб, мақоладан тўрт йўл ҳам қискарта олмадик. Ҳар жумланинг “юк”и бор – бир фикрни ташийди, “кессангиз”, ўша фикр узилиб қолади. Ноилож, бояги суратни беришдан воз кечдик, нима бўлса-бўлди, деб таваккал қилдик. Ҳолбуки, Масков юборган бирон нарсани қолдириш ўша пайтларда катта сиёсий хато деб ҳисобланарди...”

Иззат Султон нафақат адабиёт, балки тил ва услуб соҳасида ҳам ўрнат эди. 1978-1979 йилларда чоп этилган икки жилдлик “Адабиёт назарияси” китобининг домла қаламидан чиққан бобларида чинакам академик ўзбек тили манаман деб қўзга ташланеди. Мен ҳатто унда “тайин” деган сўзнинг илгари ҳеч қўрилмаган маънода қўлланганини, бунинг устига, ўша фикр мазкур сўз орқали энг мақбул ифода топганини қўриб, лол қолган эдим: “...адабиётшунослик томонидан ўрганилиши лозим бўлган фактик материаллар жуда ҳам хилма-хил бўлиб, уларнинг қайси тури асосида бугунги адабиётнинг спецификасини тайин этиш керак, деган саволга жавоб топмасдан туриб, бу муаммони ўрганишга киришиш мумкин эмас”.

Тил бойлиги, баъзилар ўйлаганидек, лексикон кўплигидагина эмас, балки мавжуд сўз ва ифода воситаларидан унумли фойдаланишда ҳам намоён бўлади, юқоридаги мисол буни яққол далиллади.

Ҳаммага маълум, 1926 йилда профессор Фитратнинг “Адабиёт қоидалари” нашр этилган. Фитрат қатта-қатта учраган, унинг шогирди Иззат Султон орадан ўн

уч йил ўтиб, 1939 йилда биринчи “Адабиёт назарияси” китобини эълон қилди.

Адабиёт тарихида шогирдларнинг устоз бошлаган ишни давом эттирганига мисол кўп. Чунончи, Чўлпонга шахсий котиблик қилган Мирзакалон Исмоилий шоир отилиб, асарлари тақиқланганидан кейин, орадан йигирма бир йил ўтиб, “Фарғона тонг отгунча” романини нашр қилдирди. Бу асарни, аслида, Чўлпоннинг “Кеча ва кундуз” романининг давоми деса бўлади. Қарангки, ҳатто уларнинг номига қадар мазмунан бир хил.

Иззат Султон ҳам 1934 йилдан то 1978 йилгача – қирқ тўрт йил давомида адабиёт назарияси масалаларидан бир кун ҳам холи яшмади, асосий иш жойи Ўзбекистон Фанлар академияси Тил ва адабиёт институтининг “Адабиёт назарияси” бўлими бўлди. Бутун бир авлод назариячи илмий ходимларни етштириб, адабиёт назарияси фанини ўзбек адабиётшунослигининг мустақил илм тармоғига айлантирди. Академик “Адабиёт назарияси”ни нашр эттирди ва шу билан устози Фитрат хотирасига улуғ бир ҳайкал тиклади.

Разм солсак, Иззат Султон бир умр устози Фитратнинг йўлидан қиришга, унга мудом эргашишга, ишларини давом эттириш ва такомиллаштиришга интилиб яшаганини кўрамиз. Чунончи, ўзбек адабиёти вакилларида айна Фитрат билан Иззат Султон адабиёт назарияси билан шугулланган ва ҳар иккови ҳам адабиёт назариясида “сўз санъатининг олий тури” деб таърифланадиган драматургик ижод билан бир умр машғул бўлган.

Сабаби, Фитрат ижод қилган XX аср бошларида аксари саводсиз бўлган меҳнаткаш оммага саҳна асарларининг таъсири бекиёс эди. Одамларга янги ғояларни саҳна орқали синдириш маъқул топилаган, элни янги маданият сари етаклаш учун саҳнадан фойдаланиш кўзланган. Бу ҳол кейин ҳам ўша авж билан давом этди. Қирқинчи-эллигинчи йилларда ўзбек театри (жумладан, ўзбек драматургияси ҳам) янада юксалди, давр олға сурган дунёқарашни элга синдиришда асосий воситага айланди. Ўйғун билан Иззат Султоннинг 1940 йилда саҳна юзини қўрган “Алишер Навоий” драмаси ўзбек халқига шоирни танитишда бекиёс роль ўйнади.

Навоий ва Бобур замонидан кейин то XX аср бошларигача юртимиздаги умумий тушунлиқ, жаҳолатнинг авж олиши боис, Алишер Навоийдек шоир ҳам авом назаридан бирмунча узоклашиб қолгани бор гап. Чўлпон 1924 йилда ёзган “500 йил” деган мақоласида буни таъкидлаб ўтган. Шунинг учун ҳам, Навоийни элимиз қайта инкишоф этиши даркор эди. Айнан “Алишер Навоий” драмасидан сўнг миллионлаб одамлар Навоийни севиб қолди, бу асардан олинган парчалар тўйларда, адабий-бадиий анжуманларда ёд ўқиларди. Эҳтимол, ундаги “Навоий ва Гули севгиси” уйдирмадир, Навоий билан Маждиддин можаролари кўпиртирилгандир, бироқ саксон йил аввал бусиз иложи йўқ эди. Баски, ўтмишда яшаб ўтган ҳар бир одамни бизнинг замонга эмас, ўзидан аввалгиларга қараганда қандай янги нарса берганига қараб баҳолаш лозимлиги ҳақида айтилган гап нихоятда тўғри.

Бугунги кунда Иззат Султон ёзган драматик асарларни (у “Алишер Навоий” бўладими, “Имон”ми ёки “Кўрмайин босдим тиконни”ми, бошқами) ўқир экан-

миз, ҳар қайсиси ўзбек жамияти олдида кўндаланг турган катта бир масалани санъат асари орқали муҳокама қилиш, бунга элнинг ўзини жалб қилиш мақсадида битилганига иқдор бўласиз.

Масалан, “Кўрмайин босдим тиконни” – турмуш қурган икки зиёли инсон ҳаётидаги драма, ҳатто айтиш мумкинки, гарчи унда инсон ҳаётининг чуқур коллизиялар оқибатида фожиали равишда яқун топиши кўрсатилмаган бўлса ҳам, моҳиятан трагедиядир. Шунинг учун уни томоша қилган киши руҳан тозарари, маънавий руҳ олади. 1975 йилда саҳнага чиққан бу асар 1958 йилда Чингиз Айтматов ўртага қўйган масала – севгисиз бўлса ҳам турмуш кечираверган яхшими ёки киши ўз муҳаббатини қидириши даркорми, деган баҳо-ларга ўзбек адабининг жавоби бўлди. Ўзбек турмушидан олинган бу асарда Иззат Султон Чингиз Айтматов қарашларини ёқлаб чиқди.

Бироқ, афсуски, асарнинг ана шу ғоясини аксар томошабинлар тушунмади ё “ҳазм” қила олмади. Шу тўғрида ўйлар эканман, менинг ўзим ҳам у ё бу позицияга қатъий ўтишим душвор (ўзбекмиз-да, барибир). Лекин бошқа бир жиҳати бор: “Кўрмайин босдим тиконни” драмаси, ундаги барча олижаноб, қалби пок персонажларнинг тақдир синовлари қаршисидаги изтироблари боис, томошабин маърифатини ўстириши, унга мўл-қўл маънавий озиқ бериши эътибори билан жуда баянда туради. Айниқса, оилавий можаролардан масхарабозлик қилиб бўлса ҳам “кулги” ясаб чиқаётган бугунги кўп саҳна асарлари олдида...

Бу асарнинг эстетик жиҳатдан фазилати шундаки, унда биронта ҳам “салбий образ” йўқ, асар коллизияси “ижобий” ва “салбий”ларнинг кураши негизига қурилмаган, драматизмни ҳаётий вазиятнинг ўзи юзага келтирган. Бу мазкур асарнинг бадиий юксаклигини кўрсатадиган муҳим далил.

Домланинг 1959 йилда чиққан “Пьесалар, мақолалар” деган китоби бор. Албатта, ўша йилларда нашр масалалари қийин бўлганидан, икки китоб бир муқовада чоп этилган. Аммо шу ном, шу нашр Иззат Султон илмий ва ижодий ишни барабар олиб борганини кўрсатадиган ойнадир.

Баъзилар, домла фақат илм билан, фақат назарий тадқиқот билан шугулланганида фанга янада кўпроқ ҳисса қўшган бўларди, деб ёки аксинча, Иззат Султон бадиий ижоднинг ўзигагина ҳаётини бағишласа, қанча муҳташам драма ва трагедиялар ёзиши мумкин эди, деб ўйлаши мумкин. Балки бу мулоҳазаларда ҳам жон бордир. Бироқ аксар одамларнинг ижодий қобилияти турфа йўналишли бўлади. Биз да Винчи ёки Гёте кабиларни эмас, устози Фитрат домланинг ўзини мисол келтирсак кифоя қилар, у – ёзувчи, тарихчи, адабиётшунос, тилшунос, санъатшунос ва сиёсатшунос олим, давлат ва жамоат арбоби эди.

XX аср ўзбек адабиётшунослиги икки улуғ назариячи олимнинг теран тадқиқотлари туфайли юксак илмий-назарий пойдеворга эга бўлди. Иззат Султон ҳар соҳада, фанда ҳам, бадиий адабиёт йўналишида ҳам улуғ устози Фитрат бошлаган ишларни давом эттирди ва янги даврда уларни имкони борича янги босқичга кўтаришга ҳаракат қилди.

Зухриддин ИСОМИДДИНОВ

ЖАҲОН АЙВониДА

ҚўШНИЛАР МУРОСАГА КўНДИРИЛДИ

Қирғизистон президенти Садир Жапаров ҳақида ҳужжатли фильм ишланди, унда Ўзбекистон Президенти ҳам тилга олинди.



Иккинчи қисмда қўшни давлат раҳбари журналист Айбек Бийбосунга берган интервьюсида 2021 йил апрель ойида Тожикистон билан чегарадаги можародан сўнг сафдошлари, жумладан, Миллий хавфсизлик давлат қўмитаси раиси Қамчибек Ташиевнинг эътирозларига қарамай, Душанбеда Эмомали Раҳмон билан музокаралар ўтказганини, бироқ ўн соат давом этган муҳокама натижа бермаганини айтди.

Садир Жапаров Тожикистон билан келишувга эришишда Шавкат Мирзиёевнинг ҳиссаси катта эканини таъкидлади. Қирғизистон ташқи ишлар вазири Жээнбек Кулубаев эса Шавкат Мирзиёевни Марказий Осиё давлатларини бир-бирига яқинлаштирувчи етакчилардан бири деб атади.

БЕКОР ҚИЛИНГАН РЕЙСЛАР

Париж ва Амстердам аэропортларида экстремал қор ёғиши, кучли шамол ва ҳаво ҳарорати фонида юзлаб рейс бекор қилинди. Амстердамдаги Схипхол аэропортида бир кунда 700 тадан ортиқ рейс бекор қилинган. Шунингдек, Париждаги Орли ва



Шарл де Голл номидаги аэропортларда учиб-қўниш йўлаклари ва самолётларнинг музлаши сабаб тахминан 140 та рейс қолдирилди.

ТОШҚИН ҚўРБОНЛАРИ

Индонезиянинг Шимолий Сулавеси сув тошқини оқибатида камида 14 киши ҳалок бўлди, яна бир неча одам бедарак йўқолганлар рўйхатиға киритилди. Бу ҳақда мамлакат Табиий офатларни юмшатиш бўйича миллий агентлигига таяниб, “Reuters” хабар берди.



Қайд этилишича, Сиау оролида бошланган ёмғир тошқинни келтириб чиқарган. Камида 444 киши маҳаллий мактаб ва черковларга эвакуация қилинган.

ГРЕНЛАНДИЯ ЎЗ ХАЛҚИГА ТЕГИШЛИ

АҚШ президенти Дональд Трампнинг Гренландияни босиб олиш ҳақидаги навбатдаги баёнотларидан сўнг, Европанинг энг йирик давлат-

лари раҳбарлари Дания ва Гренландия томонида эканини эълон қилди.

“Гренландия унинг халқига тегишли. Дания ва Гренландия ўртасидаги муно-



сабатларга оид қарорларни фақат шу икки томон қабул қилиши мумкин”, дейилади баёнотда.

АҚШ 66 ТАШКИЛОТНИ ТАРК ЭТАДИ

АҚШ глобал ҳамкорликдан тобора узоклашар экан, Трамп маъмурияти унлаб халқаро ташкилот, жумладан, БМТ Аҳолишунослик жамғармаси ва халқаро иқлим музокараларини белгилувчи БМТ шартномасидан чиқарди, деб ёзмокда Associated Press.



Оқ уй сайтидаги хабарга кўра, Дональд Трамп ўз маъмуриятининг барча халқаро ташкилотлар, шу жумладан, БМТга қарашли тузилмалардаги иштироки ва уларни молиялаштириш масалаларини қайта қўриб чиқиши ортидан 66 та ташкилот, агентлик ва комиссияни АҚШ томонидан қўллаб-қувватлашни тўхтатиш тўғрисидаги фармонни имзолади.

ЯНГИ НАШРЛАР

Алишер Навоий номидаги Ўзбек тили ва адабиёти университети олимлари томонидан уч йирик манба – “Ўзбек тилининг омонимлари лугати”, “Туркий тилларнинг ҳарбий терминлари лугати” ҳамда “Бобур асарлари лугати” тайёрланиб, нашрдан чиқди.

Мазкур нашрлар янги алифбода чоп этилган дастлабки лугатлар саналади. Уларда ҳозирги ўзбек адабий тилида кенг қўлланаётган минглаб сўз ва сўз бирикмалари, фан, техника, санъат ва маданият соҳаларига оид терминлар, шунингдек, шева-ларда ишлатиладиган, тарихий ва эскирган атамалар қамраб олинган.

Ш.Раҳматуллаев, Ҳ.Дадабоев, З.Холманова, М.Абдурахмонова, Д.Мухаммадиева, И.Ўразова ҳаммуаллифлигидаги “Ўзбек тилининг омонимлари лугати” ўз мазмунини ва қамрови билан мавжуд лугатлардан тубдан фарқ қилади. Унда лексик омонимлар билан бир қаторда фраземалар, сўз бирикмалари, тасвирий ифодалар ҳамда қўшимчалар омонимлиги тизимли ёритилган. Луғат ўзбек адабий тили, халқ шевалари ва тарихий манбаларда учрайдиган омоним сўзларни қамраб олиб, омонимий ҳодисасининг шакл ва маъно ўртасидаги мураккаб муносабатларини очиб беради.

Айниқса, Ватан ҳимоячилари қуни арафасида Ҳ.Дадабоев, З.Холманова, Д.Мухаммадиева ҳаммуаллифлигида тақдим этилган “Туркий тилларнинг ҳар-

УЧ МУҲИМ ЛУҒАТ



бий терминлари лугати” илк бор ҳарбий терминологияни қиёсий асосда тизимлаштирган қомусий манба сифатида янада улкан аҳамият касб этади. Луғат ҳарбий терминологияга оид адабиётлар, ўзбек адабий тили ривожланиш динамикасини ўзида мужассам этган илмий, тарихий ва бадиий асарларда қайд этилган материаллар базасида тузилган. Унда ўзбек, қозоқ, турк, туркман ва озарбайжон тилларидаги ҳарбий атамалар жамланган. Уларнинг шаклланиши, тараққиёт босқичлари ҳамда замонавий ривожланиш жараёнига хос фонетик, лексик-семантик ва грамматик хусусиятлари акс эттирилган.

Қайд этилган иккала луғат Давлат тилини ривожлантириш департаменти, Ўзбек тилини ривожлантириш жамғармаси ҳомийлигида чоп этилган.

“Бобур асарлари лугати” Давлатимиз раҳбарининг “Буюк шоир ва олим,

машхур давлат арбоби Заҳриддин Муҳаммад Бобур таваллудининг 540 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида”-ги қарори асосида нашрга тайёрланган бўлиб, унда “Бобурнома”, “Бобур девони” ва “Мубаййин” асарларидаги сўзлар изоҳи берилган.

З.Холманова, Ш.Ҳайитов, Д.Мухаммадиева ҳаммуаллифлигида ушбу нашр Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ҳомийлигида чоп этилган бўлиб, ўзбек тили миллий корпусини тарихий тараққиёт даврига хос архаик ва тарихий лексемалар билан бойитишда, халқ иборалари, метафора, метонимия каби кўчимларнинг ўзига хос намуналарини ёритишда аҳамиятлидир.

Учала луғат барча учун бирдек мўлжалланган бўлиб, адабиётшунослардан тортиб кенг китобхоналар оммасига ҳам улардан самарали фойдаланиши мумкин.

Отабек РАҲИМ



МИЛЛАТ ФИДОЙИЛАРИ



Ойбекнинг ёш пайтларига тегишли бир ривоят бор: ёш, назаримда 4–5 ёшлик пайтларида бирор юмуш сабаб бўлиб, оийси билан томга чиқди. Маълумки, у пайтларда томнинг усти сомон сувоқ билан сувалиб, ясси ва текис бўлган. Ушанда осмон мусаффо, ой ўзининг саховатли нурини ерга сочиб, чарақлаб турган экан. Тасаввур қилиш мумкин, ердагига нисбатан томда яна ҳам чароғон кўринган ойни кўриб бола ҳайратларга тушган.

— Ойи, ойи! Менга шу ойни олиб беринг! — деган экан Ойбек — ёш бола.

Шундан маълумки, бўлажак адиб ёшлигидан бошлаб гўзаллик шайдоси бўлган. Бу ҳол унга тахаллус танлашда ҳам қўл келгани, шубҳасиз. Оддий, маънодор сўз — Ойбек!

Ойбек шахс сифатида кўп жиҳатидан менга ибрат бўлди. У ўз фикр ва мулоҳазаларини кўп ўйлаб ўтирмасдан ўртага ташлаверадиган одам эмас эди. Бу ўринда у ниҳоятда вазмин эди. Халқнинг “Етти ўлчаб бир кес” деган мақоли гўё Ойбек ҳислатларига қараб айтилгандек сезиларди менга. Одамларга муносабатда ҳам Ойбек ҳақиқий инсон сифатида кўзга ташланарди. Кўчаларда юрган пайтларда унинг қўли доим кўксиде эди. Адибнинг уйига ижодкор, ёзувчи, шоирлар, илм аҳли кўп келиб турарди. Улар билан муомалада ҳам Ойбек ўта маданиятли шахс сифатида кўзга ташланарди. Бирор етар-етмасчилик ёки бирор камчилик юзасидан жаҳли чиқиб, фигони фалакка кўтарилган пайтларини ҳеч Ойбекда кузатган эмасман. Бир нарсасига мен доим қўйил қолардим. Ойбек ҳузурига келган ҳар бир кимса билан очиқ чехра, очиқ кўнгил билан суҳбат қура оларди. Меҳмон каттаими, кичикми, ким бўлишидан қатъи назар, кўчагача чиқариб, қўли кўксиде турган ҳолда кузатиб қоларди.

Барча бу жиҳатлари билан Ойбек мен учун ибрат ҳисобланган улуг сиймо эди.

Бугун ўйлаб кўрсангиз, Ойбек XX аср адабиётида бутун бир давр, муҳим бир босқич эканлигини аниқлайсиз. Бу давр 30-йилларнинг охири ва 40–50–60-йиллардан иборат. Ойбек мана шу давр ичида тинимсиз равишда изланди, ишлади ва адабиётимиз тараққиёти йўлида йирик-йирик асарлар битди. У яратган шеър ва поэмалар, учта роман ва қиссалар фақат ўша давр адабиётининг ютуғи эмас, балки ижод тажрибаси сифатида, бутун бир мактаб сифатида шаклланган ижодий биография сифатида ёшларга сабоқ бўлиб хизмат қилди. XX асрнинг иккинчи ярмида ижод қилган қайси бир ёзувчини олманг, уларнинг ижодини Ойбек меросидан ажралган ҳолда тушуниш қийин бўлар эди.

Ойбек бутун ҳаётини Республикамизда адабиёт ва илм тараққиётига бағишлаган ва бу соҳада ўз куч-қудратини аямасдан ишга солган, шу йўлдан бориб кўп машаққатларни бошидан ўтказган, кўпгина дард ва аламли кунларни кўрган улуг сиймодир! Ойбек номи халқ онига шу даражада сингиб кетдики, каттаю кичик бу ном айтилганида унинг ким эканлигини билмасдан туришини тасаввур қилиб бўлмайди. Шу маънода у бутун бир аср, яъни XX асрнинг

КЎНГИЛДА ҚОЛИБ КЕТГАН ГАПЛАР



йирик арбоби эди, назаримизда. Туғилган қақалоқларнинг камида юздан бири Ойбек номи билан аталади. Ойбек, Отабек адабиётимиздан кўчиб, халқ орасига кенг тарқалганлигининг нишонасидир бу. Иккинчи жиҳатдан ўзбек халқининг бадийи ижодга қай даражада яқин эканлигининг белгиси эмасмикан бу ҳол?!

Ойбек шундай улуг ижодкорларданки, у нисбатан қисқа умрининг бир лаҳзасини ҳам бекор ўтказмаган. Ёшлигидан илм негизларини эгаллашга ҳаракат қилган. Ўша вақтда савод, илм учун зарур бўлган китобларни топиб ўқиган, ўрганган ва ҳар биридан ўзига керакли хулосалар чиқарган. Шундай бўлиши ўз-ўзидан маълум. Қарийб ўспирилик чоғларидан бошлаб шеърят машқига берилган.


Бугун алоҳида таъкидлаш керак бўлган бир масала бор. Бу шундан иборатки, 30-йилларда мафкуравий тазйиқ ўта кучайган бўлиб, энди туғилиб вояга интилаётган ўзбек романнавислиги қаттиқ шикастланди. Биринчи ўзбек романнависи қамоққа олиниб, тоталитар мафкура қурбонига айланди. Унинг машҳур романлари “Ўткан кунлар”, “Меҳробдан чаён” қатағон қилинди. Ҳатто шу даражага бориб етдики, кимнингки қўлида ёки уйда “Ўткан кунлар” ёхуд “Меҳробдан чаён” кўзга ташланиб қоладиган бўлса, ҳеч қандай сўроқсиз ҳибсга олинаверган, озодликдан тўла маҳрум қилинаверадиган бўлди. Шу қаторида Чўлпон ҳам ҳибсга олиниб, унинг “Кеча ва кундуз” романи ҳам мафкуравий жиҳатдан зарарли асарлар қаторига киритилди. Ўша даврнинг машҳур романларидан бири бўлмиш Абдулла Қаҳҳорнинг “Сароб” романи ҳам қатағонга учради. Шундай ҳолат рўй бердики, роман ёзиб уни китобхонга тақдим қилиш ўта хатарли ишдек кўринадиган бўлди. Маълум бир давр давомида ижодкорлар бу ишга қўл уришга кўрқиши табиий ҳол бўлиб қолди.

Бу йирик жанр майдонидаги бир неча йиллик жимликдан кейин Ойбекнинг “Қутлуғ қон” романи чоп этилиб, китобхонлар қўлига теги. Бу ҳол мусаффо осмонда момақалдиқнинг гулдуросидек тасаввур қолдирди китобхонларда. Табиий, китобнинг майдонга келиши осон бўлмади. Қатор муҳокама, мунозаралар ташкил қилиниб, муаллиф номига танқидий фикрлар ҳам айtilди. Бу фикрларнинг бир қисми матбуот саҳифаларида ҳам кўзга ташланди. Романда маиший манзараларнинг кўплиги ва Россия инқилобчиларининг образлари асар тўқимасига тўлалигича киритилмагани танқид қилувчиларнинг асосий даъвоси эди. Бироқ оддий китобхон бу янги романи зўр иштиёқ ва қизиқиш билан ўқий бошлади. Китоб қўлдан қўлга ўтди. Кенг тарқалди, нусха жиҳатдан ҳам у етарли даражада чоп этилди.

Бу романнинг пайдо бўлиши шу жиҳатдан муҳим эдики, бутун бир йирик жанрнинг узилган занжири янгидан уланди. Ижодкорлар роман ёзавериш мумкин экан-да, деган хулосага келишди. Бу ҳол Ойбекка илҳом бағишлади. Унинг қалами тезкорлик билан ишга тушди. Ўтқир фал-

сафий маънодаги шеърлари билан бир қаторда бир неча достонлар яратилди. Адиб йилдан йилга ўсиб, куч ва ғайратга тўлиб борди. Шикастланган роман жанрининг тараққиётини яна ҳам мустаҳкамлаш бурчи Ойбекнинг зиммасида эди.

Адиб Иккинчи Жаҳон урушининг айнаи авжига чиққан йиллари Алишер Навоий ҳаётини акс эттирадиган “Навоий” романи устида иш бошлади. Тасаввур қилиш мумкин. Адиб “Қутлуғ қон”да тасвирланган воқеаларни болалик пайтларида ўз кўзлари билан кузатган бўлиши мумкин. Бироқ ўша пайтга нисбатан 500 йил олдин ўтган Алишер Навоий сиймоси билан боғлиқ воқеа ва ҳодисаларни топиб, бош сюжет ипига боғлаш осон иш эмас эди. Бунинг учун кутубхоналарда ёки китобсеварлар жавонларига чанг босиб ётган қўлёзмаларни обдон ўрганиш зарур эди. Ижод отига миниб олган Ойбек бу ишнинг уددасидан чиқа олди. Романнинг ёзилиши узоққа чўзилмади. Иккинчи Жаҳон урушининг айнаи



авжига чиққан йиллари асар чоп этилди. Тезкорлик билан роман рус тилида ҳам нашр қилинди.

Роман Ойбекка янгидан-янги шуҳрат келтирди. Бу китоб ҳам қўлдан қўлга ўтиб ўқилди. Ўзбек ва рус китобхонлари орасида кенг тарқалди. Ўзбекистонда ва Россия матбуотида роман ҳақида мақолалар эълон қилиниб, унинг бор фазилатлари тарғиб қилинди. Ўша йиллардаёқ Ойбек бу роман учун собик СССРнинг давлат мукофотига сазовор бўлди. Шунга қараганда ҳамма ишлар жойида бўлиб, роман жанрининг тараққиётига катта ҳисса қўшилган ҳисобланарди.

Бироқ кутилмаганда мафкуравий ҳолат ўзгарди. Марказий бошқармалар томонидан жиддий мафкуравий камчиликлар топилган бўлиб, ўша даврдаги зиёлиларнинг бир қисми — ёзувчилар, бастакорлар, ҳатто баъзи аниқ фанларнинг етук вакиллари қаттиқ танқид остига олинди. Маълум даражада тоталитар мафкуранинг 1937-38 йилдаги кирдикорлари янгитдан ишга тушгандек эди. Турли-туман тазйиқлар, матбуот ва нашриётларнинг қаттиқ назорат остига олиниши, айрим етук арбобларнинг ҳибсга олиниб, сургун қилиниши бошлаб юборилди. 50-йилларнинг бошларида навбат Ойбекка ҳам етиб келди. 1952 йили Ўзбекистон Марказкуми пленумида бир неча ёзувчилар қатори Ойбекнинг номи ҳам тилга олинди, қаттиқ танқидга учради. Танқиднинг маъноси шунда эдики, “Ойбек гўё ўтмишни пуғлапаяпти”, яъни ўрта асрдаги феодал тузумга хос бўлган ҳаётни кўмсаяпти. “Навоий” романига нисбатан айtilган бу танқидий фикрлар тоталитар мафкура нуқтаи назаридан ўта жиддий ва хатарли ҳисоб-

ланарди. Шундай бир ҳолат юзага келдики, фақат “Навоий” романи қисмати эмас, балки роман муаллифининг ҳам ҳаёти қил устида тургандек бўлди.


Воқеа Ойбекнинг қаттиқ бетоб бўлиб қолиши билан якунланди. Натижада куч-ғайратга тўлиб-тошган адиб узоқ муддатга сафдан чиқди, тилдан ажралди. Узоқ даволанишлар натижасида адибнинг онги, иш фаолияти қайта тикланган бўлса ҳам, бетоблиқнинг асорати унинг тили ва умумқийфасида сезилиб турарди.

Бугун “Навоий” романига назар ташласак, унда заррача ҳам мафкуравий ғализлик борлигини англаш қийин. Романда адибнинг асосий мақсади улуг шоир Алишер Навоийнинг кенг ва қўламли ижодида ўзига хос инсонпарварлик ғояларини очиб беришдан иборат эди. Ойбек шу вазифани аъло даражада бажаради.

Ойбекнинг “Навоий” романи “Ўткан кунлар”, “Кеча ва кундуз”, “Сароб”лардан услуб жиҳатдан фарқ қилади. Бу роман ортқиқа тўқималардан холи бўлиб, тарихан ҳаётда рўй берган аниқ маълумотларни тадқиқ қилган ҳолда ёзилган илмий романдир. Шу маънода “Навоий” ўзбек адабиётининг тарихида яратилган том маънодаги тарихий биографик романдир. Шу жиҳатлари билан “Навоий” ўзбек романчилигининг янги босқичи эди, деган хулосага келиш мумкин.

Шундай бўлса ҳам, бу романнинг бадийи тўқимасида, юқорида қайд қилганимиздек, маълум даражада тўла ҳақиқатни баён қилишда тоталитар мафкуранинг халал берган нуқталарини кўриш қийин эмас.

Ўтган асрнинг 80-йилларида Навоий номидаги Адабиёт ва тил институти Ойбек асарларининг 20 жилдлик академик нашрини тайёрлади ва чоп эттирди. Адибнинг кўпгина асарлари чет тилларига таржима қилиниб, нашр этилган.



Хулоса қилиб айтганда, Ойбек Абдулла Қаҳҳор, Ғафур Ғулумлар билан бир сафда туриб, XX аср ўзбек адабиётининг тараққиётига беназир ҳисса қўшган улуг сиймодир. У бадийи ижод билан баробар илмий-тадқиқот ишлари билан ҳам банд бўлган. Бу жиҳатини ҳисобга олганда Ойбек том маънодаги академик ижодкор эди.

Юқорида Ойбекнинг тахаллусига тегишли бир ривоятни эсланган эдик. Матнни шу ривоятнинг шарҳи билан якунлаш маъқул кўринади. Гап шундаки, Ойбек XX асрнинг бошларида, яъни 1905 йили бамисоли янги ой сингари дунёга келди. Вақтлар ўтиб, у ўсди, улғайди. Умрининг маълум бир даврида у йирик адиб сифатида шаклланиб, ўзбек элига ёруғ нур таратди. Бироқ худди шу йиллари Ойбек тоталитар мафкура тазйиқида дуч келди. Табиатда биз оининг тутилиш ҳодисаларини кўрганмиз. Айрим онларда оининг бир қисми, баъзан тугаллигича қоронғилашади. Илмий маънода ва халқда бунини “ой тутилиши” деб аталади. Ўз адабий тахаллусини “ой” сўзига боғлаб танлаган адибнинг тўлини ойдек даврига эришган пайтлардаги қисматини ўша ой тутилишига ўхшатиш мумкин.

Юқорида айтганимиздек, оининг тутилиши табиий ҳодиса. Ўзбек адабиёти оламига тўлини ойдек нур сочиб турган Ойбекнинг мафкуравий тазйиққа дуч келиб қолиши тоталитар мафкура ҳукмронлик қилиб турган пайтларда учраб турадиган ижтимоий ва сиёсий ҳодисалар билан боғлиқдир. Демак, яхши ният билан танланган тахаллус гўё табиатда рўй берадиган ой тутилишларини эслатаётгандек кўринади бугун бизга.

Матёқуб ҚЎШЖОНОВ,
академик

АЗИЗ ХОТИРА



(Давоми. Бошланиши ўтган сонларда).

Мултархон Аскархонов — 1896 йили Чуст шаҳрида туғилган. “Миллий иттиҳод” ташкилотининг аъзоси бўлган. Ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган. Аҳоли орасида миллатчилик тарғиботи олиб борганлиқда, шеърларга аксилинқилобий ўзгартришлар киритганлиқда айбланган. 10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм этилган. Жазо муддати 1937 йил 7 июлдан ҳисобланган.

Ҳаққул Хусанбоев — 1880 йили Андижон шаҳрида туғилган. Тилмочлик билан шуғулланган. Туркистон мухториятини ташкил этилиши съездида иштирок этган. 1917 йилдан Андижон шаҳридаги “Турон” ташкилоти аъзоси бўлган. Октябрь тўнтарыши даврида Андижон эски шаҳри ва унинг теварак-атрофида ишчи ва аскар депутатлари совети ташкил қилган. 1917 йил октябрда большевиклар партиясига аъзо бўлган. 1917 йил декабрида Фарғона область ишчи ва аскар депутатлари советига сайланган. 1919 йил 4 декабрда Москва шаҳрида В.И.Ленин ҳузурига бўлиб суҳбат қурган. 1928–1930 йилларда Тошкент области партия ва совет ташкилотларида масъул лавозимларда ишлаган. 1937 йил ҳибсга олиниб, 10 йил қамоқ жазосига ҳукм этилган. 1947 йил қамоқда оғир касалликдан вафот этган.


Аҳмаджон Иброҳимов — 1902 йили Қўқон шаҳрида ҳунарманд оилада туғилган, миллати ўзбек. Отаси тўқувчи бўлган. Аҳмаджон Қўқон шаҳридаги 1-босқичли мусулмон мактабиде ўқиган. 1928 йил март ойда Андижон шаҳар партия комитети томонидан партия сафига қабул қилинган. 1924–1926 йиллари ВЛКСМ аъзоси бўлган.

У 1937 йил 18 майда ходимларни ҳисобга олиш бўйича тўлғизган шахсий варақасида 1921 октябридан 1922 йил февралигача Қўқон уездига қарашли Яйпан қишлоқ касабда уюшмасида котиб, 1922 йил февралидан 1923 йил июнигача область озиқ-овқат комитетининг Бағдоддаги вакили, 1923 йил июлидан 1924 йил январигача Қўдаш қишлоғида область молия бўлимининг молия агенти, 1924 йил февралидан 1924 йил декабригача Қўқон шаҳрида терига ишлов берувчилар уюшмасининг раиси, 1924 йил декабридан 1926 йил сентябригача область терига ишлов берувчилар уюшмасининг раиси, 1926 йил сентябридан 1927 йил ноябригача Тошкентда ВЛКСМ Урта Осиё бюросидаги ўқишда курсант, 1927 йил ноябридан 1929 йил январигача Андижон шаҳрида округ касабда союзи раиси, 1930 йил сентябридан 1931 йил июлигача “Ўзбек савдо”нинг Андижон шаҳридаги вакили, 1931 йил июлидан 1933 йил мартигача Янгиқўрғон район ижроия комитети раисининг ўринбосари, 1933 йил мартидан 1934 йил февралигача Чуст райони ижрокўми раисининг ўринбосари, 1934 йил февралидан 1936 йил майгача МТС директори, 1936 йил июнидан 1937 йил 18 майгача Норин райони МТС директори вазифасида ишлаганини қайд этган.

СССР Олий суди Ҳарбий коллегияси сайёр сессиясининг 1938 йил 5 октябрдаги ййғилишида Аҳмаджон Иброҳимов аксилинқилобий ҳаракатда айбланиб, отувга ҳукм қилинган.

Давлат Ризаев — 1903 йили Хоразмнинг Янги Урганч шаҳрида туғилган. 1920 йилнинг февралидан комсомол аъзоси бўлган. 1921–1922 йиллари халқ маорифи комиссарлиги маъмурий хўжалик бўлими мудир, 1922–1923 йиллари Комсомол Марказий комитети котиби, 1923–1924 йиллари Хоразм Республикаси Халқ маорифи комиссари бўлган. 1924 йил январидан Урганч ва Хонқа районларида босмачиликка қарши курашган, Қорақум операциясида қатнашган. 1929 йили Хоразм округ партия комитети котиби сифатида ишлаган. Москвада Свердлов номи коммунистик университетини титирган. Норин район партия комитети секретари, Самарқанд шаҳар партия комитети котиби, “Ўқитувчи ва маориф” журнали муҳаррири, Қорақалпоғистон области партия комитети, “Миллий истиқлол” ташкилотининг иштирокчиси, Усмонхон Эшонхўжаев бошлқ миллатчи ва троцкийчи гуруҳ аъзоси бўлган. Қорақалпоғистон области партия комитети котиби бўлиб ишлаб турган пайтида қамоққа олинган. ЎзССР Жиноят кодексининг 66-моддаси 1-банди, 67-моддаси билан айбланиб 1937 йил 4 августда ҳибсга олинган. 1937 йил 30 сентябрь ЎзССР Ички ишлар халқ комиссарлиги касалхонасида юрак етишмовчилигидан вафот этган. Бу пайтда у бор-йўли 34 ёшда эди.

Азизбек МАҲКАМОВ,
тарих фанлари бўйича
фалсафа доктори
Нигорахон АҚБАРОВА,
музей илмий ходимаси
(Давоми келгуси сонда).



“Зулмат замониде зиёли одамлар яхши кўринади.

Эрих Мария РЕМАРК


”



ЎЙ

Авваллари сафардаги отага, ҳарбий хизматдаги акага, севган ёрига ёзилган хат оддий сўз эмас, қалб кўри туқилган жумлалар билан безалар эди. Сўз ўйлаб танланар, жумла қайта-қайта тузатилар, ҳатто ҳуснихатга ўзгача аҳамият бериларди. Отага ёки акага ёзилган мактубда нафақат мазмун, балки ёзувнинг ўзи ҳам аҳамият касб этарди. Айрим муҳим сўзларни ёзишда гул, қуш ёки рамзий безаклар билан ҳаттотлик усуллари билан фойдаланиш, ҳарфларнинг равонлиги, сўзлар ораллиги, ҳатто қоғоздаги тозаллик ҳам сўзга бўлган ҳурмат белгиси ҳисобланарди. Бу орқали инсон сўзни ҳис қилар, унинг маъно юкини чуқурроқ аңларди. Хат – ўқиладиган эмас, ҳис қилинадиган матн бўларди. Шу боис, яхши ёзув ўқувчини чарчатмас, аксинча, фикрни қабул қилишни осонлаштиради.

Бундай хатлар ёзиш инсонни китоб ва рақлашга, газета-журнал ўқишга, шу орқали тил имкониятларини кашф этишга мажбур қиларди. Ҳар бир янги хат аввалгисидан ўзгача бўлишига интилиш кўпроқ ўқиш, изланишни талаб қилар, сўз бойлигини кенгайтирар, тўғри ва равон ёзиш қобилиятини



шакллантирар эди.

Ана шу маданият билан биз газета таҳририятларига ҳам хат ёзардик. Мактублар эътиборсиз қолмасди. Таҳририят жавоб

қайтарарди, ижодимиз намунасига муносабат билдирарди. Чунки у хатларда нафақат бирор мақола, муаммо, балки маданият ҳам бор эди.



ТИЛБИЛИМ

БЎРБОЙ

“Бўрбой” (“бўрбай”, “бўрвай”) деган сўзни эшитганмисиз? Бу сўз изоҳли луғатда йўқ, демак, адабий тилда ҳам йўқ, лекин шеваларда бор, шунинг учун “Ўзбек халқ шевалари луғати”да бор.

Хўш, “бўрбой” нима? Адабий тилдаги “болдир” билан айнан бир маънога эга, яъни оёқ тиззаси ёки тақимдан то тўпиқчача бўлган қисми баъзи шеваларда – “бўрбой” аталади. Кимдадир “тақим нима?” деган савол ҳам туғилиши мумкин, “тақим – оёқнинг тизза ости букиладиган жойи”, деб изоҳланган луғатда, бу сўз “тақмоқ” феълидан ясалган, мисол: “Чавандоз улоқни тақимига босди” ёки “қизнинг сочи тақимига тушади”, лекин “тақим” ҳам кейинги пайтларда “узун соч” билан бирга бироз унутилиб бормоқда. “Тўпиқ” сўзи “Девону луғатит турк”да икки ўринда: “тобёқ соёқ”, яъни “тўпиқ суяги” ва “тобёқ” – човган ўйнаганда “човган билан уриладиган тўп”, деб тилга олинади. Яъни, “тўпиқ”нинг асл маъносини – “копток, тўп, юмалоқ”; болдир суягининг пастки қисми ҳам ён томонга дўмбоқ бўлиб чиқиб тургани учун “тўпиқ” номини олган, мисол: “Дунёни сув босса, тўпиғига чиқмайди”.

“Болдир” сўзи суякка нисбатан ҳам ишлатилади: “болдир суяги”, “сон суяги”, лекин “бўрбой” – кўпроқ этга, пайга нисбатан: “Махси тор экан, бўрбойимни сиқди”. “Ўзбек халқ шевалари луғати”да Шаҳрисабз шевасидан ушбу мисол келтирилади: “бўрбайимдек келада ман кўрган илон”. Жиззахда эса “бўрбай” деганда “тақим” тушунилар экан: “улоқ човганда бурбайга қисати”.

“Болдир”дан фарқли ўлароқ “бўрбой” шевада яна оёқ кийимга нисбатан “кўнж” маъносидан ҳам ишлатилади: “бўрбойи узун этик” – “кўнжи узун этик”, “бўрбойли ботинка” – “кўнжли ботинка”, “бўрбойи калта этик” ва ҳоказо.

“Бўрбой” аслида мўғул тилларидан турк тилларига ўзлашган, деган қараш устувор, чунки “Мўғул тиллари этимологик луғати”да ҳам: “халҳача: borbī” – тоvon пайлари; бурятча: “борбо” – болдир; қалмиқча: “бөрө” – болдир пайлари, тақим, деб изоҳланган. Шунингдек, XIII аср обидаси, эски



мўғул тилида Чингизхон тарихи битилган ва кейинчалик “Мўғулларнинг яширин тарихи” деб номланиб кетган асарнинг 255-параграфидан ҳам бу сўзга “болдир” маъносидан – “borbi” шаклида дуч келамиз (“borbi-iyun kinggürü çabçildusu”).

Бироқ бу сўз фақат мўғул тилларида эмас, балки аксарият турк тил ва лаҳжаларида ҳам бўлиб, гарчи тананинг турли аъзоларига нисбатан ишлатилса-да, кўпроқ “пай”, яъни “бирлаштирув тўқима” маъносига эга, мисол учун қозоқ ва қирғизларда бу сўз – “борпай” шаклида “чов” маъносидан; олтой, ёкут, қумиқ, нўғай, бошқирд тилларида: “пай”, “бирлаштирувчи тўқима”, “сон”, “тақим” каби маъноларга эга экан. Ҳатто бу сўз усмонли туркчасининг баъзи шеваларида ҳам бўлиб, “қўлнинг билаги” маъносини билдираркан. Аммо “Девону луғатит турк” ёки “Қутадғу билиг” каби манбаларда “бўрбой” сўзи учрамайди.

Алқисса, бу сўзнинг турк тилларида ҳам “бўрбай”, “борпай”, “порбуй” каби шаклларида мавжудлиги ва кўпроқ “пай” маъносини билдириши, шаклан ҳам “пай”ни эслатиши, унинг келиб чиқиши мўғулчага эмас, балки олтой ёки прототурк тилидаги қадимги умумий ўзакка бориб тақалиши мумкин, деган фаразга ҳам олиб келади.

Абдувоҳид ҲАЙИТ



ОРАМИЗДАГИ ОДАМЛАР

ВАФО ВА САДОҚАТ

Олмазор тумани Янги Себзор маҳалласидаги мўъжаз кутубхонада ўтадиган тadbирга таклиф этилгандим. Бу ерда китобларнинг кўплиги ва ранг-баранглиги ақлимни шоширди. Ҳеч жойдан топа олмаётган асарларга кўзим тушганида, севинчим ичимга сиғмай кетди. Ушбу даргоҳ эгаси Дилором Ҳамдамова бўлади. Дилором опа нақ 42 йил Ўзбекистон телерадиокомпаниясида ишлаб, кўп-лаб кўрсатувларни олиб борган. “Оналар мактаби” кўрсатуви эсингизда бўлса керак? Журналист пенсияга чиқса ҳам, зиёли ҳеч қачон пенсияга чиқмайди. Фидойилик шуниси билан аҳамиятлики, у меҳнат дафтарчасига тушмайдиган меҳнат ва заҳматдан иборатдир.

Бундан бир қанча муддат аввал қаҳрамонимиз кўп қаватли уйлар ҳовлисида кутубхона очиш ҳаракатини бошлайди. Аввало, маҳалладошлар, айниқса, хотин-қизлар бўш вақтида ярим соат-бир соат китоб ўқиши мумкин, қолаверса, шиддатли замонда мутолла иштиёқи бор, лекин туман кутубхонасига бормайдиганлар қанча. Барчасини обдон ўйлаб кўриб, Олмазор тумани ҳокимлигига фикрини билдиради. Ташаббус мутасаддилар томонидан моддий ва маънавий қўллаб-қувватланади.

Дилором опа фақат ташаббусни илгари сурмай, амалга ошишида ҳам жонбозлик кўрсатади. Маҳалла кутубхонаси фондининг 90 фоизи айнан опанинг шахсий кутубхонасидан ташкил топган. Ўзи эса кутубхоначи. Тенгдошлари каби гап-гаштаклару сайр-саёҳатлардан қолиб, икки мингта китобга жавобгар бўлиш, уларни китобхоналарга бериш ва қайтиб олиш, таъмирлаш, сақлаш билан банд бўлиш учун одамга ҳазилакам ҳафсала, китобга муҳаббат ва фидойилик керакми? Опанинг уйида ҳам доим стол устида уч-тўртта китоб келган варағида очик турар экан.

Шу атрофда ўтирган икки қизнинг суҳ-



бати қулоғимга чалинди.

– Китобни ўқиб чиқдим, энди топширишим керак, – деди бири.

– Топшириш жуда қийинми? – деди иккинчиси.

– Сен Дилором опани билмайсанда, жуда синчков кутубхоначи. Ўқиган асаринг ҳақида гапириб беришинг керак. Бўлмаса, қайта ўқитади...

Бугунги кунда кутубхонада 500 нафардан зиёд китобхон мунтазам аъзо. Барчаси китобни қайтаришда опанинг имтиҳонидан ўтади. Ҳатто, ўқитувчидан тортиб, маҳалла мутасаддилари ҳам асар мазмунини гапириб беришдан қоча олмайди.

Шинам жавонларда кўр тўкиб турган жаҳон ва ўзбек адабиётининг дурдона асарлари бугун Янги Себзор маҳалласи аҳлининг маънавий мулкига айланган. Бу ерда ҳар кун кўнгиллилар иштирокида тadbир уюштирилади. Бир кун тиббиёт ходимлари келса, эртаси куни мактаб, кейин боғча, ундан кейин нурунийлар, оналар, ёшлар, кўйинги, Дилором опанинг тadbирлар тақвими жуда тигиз, бирор бўш куни йўқ.

Суҳбатда аён бўлдики, Дилором Ҳамдамованинг ажойиб фалсафаси бор: дунёда шифокор ва ўқитувчининг хатоси кечирилмайди, худди шундай, кутуб-

хоначининг ҳам хато қилишга ҳаққи йўқ. Нега? Чунки ҳар бир олинган маълумот ва таассурот бир умр хотирада қолиб кетади, одамнинг феъл-атворида, дунёқарашига, хатти-ҳаракатига таъсир ўтказди. Қолаверса, сўровчи нотиғри китоб бериб қўйдингми, тамом, уни бир умр мутолаадан совутиб қўйиш мумкин. Шунинг учун кутубхоначи психолог бўлиши шарт.

Маҳалла кутубхонасига кирар экансиз, доим иссиқ чой, қанд тайёр туради. Дастлаб у чой ичишга ундайди ҳар бир китобхонни. Бир пайтлар буюк бобомиз, жадидлар отаси Маҳмудхўжа Бехбудий ҳам Самарқанддаги “Бехбудия” кутубхонасида китобхонларни қайноқ ширин чой билан сийлаган экан.

Яқинда “Нуруний” жамғармаси Тошкент шаҳар бўлими ташаббуси билан пойтахтимизда “Ёшлар тарбиясига масъулмиз” шиори остида ўтказилган “Буви-жонлар мактаби” тadbирини Дилором опа “Вафо ва садоқат учун” нишони билан тақдирланди. Менимча, бу мукофот опанинг ўз касбига, зиёлилик бадорига вафоси ҳамда китобхонлики садоқати туфайли берилган.

Фахриддин БОЗОРОВ



Бош муҳаррир:
Иқбол МИРЗО

Муаллиф фикри таҳририят фикри билан мос келмаслиги мумкин.

Таҳририятга юборилган мақолалар муаллифга қайтарилмайди ва улар юзасидан изоҳ берилмайди.

Газета 2023 йил 26 декабрда
Ўзбекистон Республикаси
Президенти Администрацияси ҳузуридаги
Ахборот ва оммавий коммуникациялар
агентлиги томонидан 195115 рақам
билан рўйхатга олинган.

Масъул котиб: Шухрат Азизов

Навбатчи муҳаррир:
Гулнеҳра Умарова

Адади – 18 539
Шундан:
Кирилл ёзувида – 6 526
Лотин ёзувида – 12 013
Медиа кузатувчилар – 74 732
Буюртма: Г – 139
Ҳажми: 4 босма табоқ, А2.
Нашр кўрсаткичи – 222.
Ташкилотлар учун – 223.
1 2 3 4 5 6

Саҳифаловчилар:

Эркин Ёдгоров
Нигора Тошева



Манзилимиз:

Тошкент шаҳри,
Шайхонтоҳур тумани,
Навоий кўчаси, 69-уй

Телефонлар:

Қабулхона: (71) 203-24-20
Девонхона: (97) 745-03-69
jadidgzt@mail.ru (71) 203-24-17
Jadid_gazetasi@exat.uz

“Шарқ” нашриёт-матбаа
акциядорлик компанияси
босмахонаси.

Босмахона манзили:
Тошкент шаҳри,
Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Босишга топшириш вақти: 21:00

Босишга топширилди: 20:00

Сотувда нархи эркин.



www.jadid.uz

Муассислар:



ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР
УЮШМАСИ



РЕСПУБЛИКА МАЪНАВИЯТ
ВА МАЪРИФАТ МАРКАЗИ



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ



МИЛЛИЙ МАСС-МЕДИАНИ
Қўллаб-қувватлаш
ВА РИВОЖЛАНТИРИШ
ЖАМОАТ ФОНДИ



“ШАҲИДЛАР ХОТИРАСИ”
ЖАМОАТ ФОНДИ